O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

Kuch — bilim va tafakkurda

# Ma'rifat

МАЪРИФАТ * ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ *

1931 йилдан чиқа бошлаган 2002 йил 17 август, шанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 64 (7467)

*Баъзи бувилар дам олиш кунлари ўз невараларининг тўполонларига чидамасдан, "тезроқ душанба келсин-ей, бу тўполончиларни боғчага бериб қутулардим", дейдилар. Боғча опалар эса шундай болаларнинг 20-30 нафарига бошчилик қилиб, таълим-тарбия берадилар.*

*Ўзбекнинг ўзи болажон. Топганини фарзандига едиради, кийдиради. Тўй қиламан, ўғил уйлаб, қиз чиқараман, дейди. Доимо фарзандларининг ташвишида юради. Болани яхши кўрмайдиган, унинг айтганларини сабр билан тингламайдиган инсон эса ҳеч қачон тарбиячилик касбида ишлай олмайди. Турли муҳитдаги оилалардан чиққан, ҳар хил характердаги болаларнинг орзу-истакларини тинглаб, уларга оддий тушунчаларни тушунтириш, одоб-ахлоқ, жониворларга ғамхўрлик қилиш каби инсоний фазилатларни ўргатиш нақадар машаққатли вазифалигини барчамиз ҳис этамиз. Мана, шундай машаққатли касбда фаолият кўрсатиш билан биргаликда танловларда, беллашувларда қатнашиб, совринли ўринларни эгаллашнинг ўзи ҳам катта ташаббускорлик. Ана шундай ташкилотчи тарбиячиларимиздан бири Жиззах вилоятининг Дўстлик туманидаги "Чарос" мактабгача ва бошланғич таълим мажмуаси тарбиячиси Дилрабо Азизовадир. "Боғча опа" "Йил тарбиячиси-2002" кўрик-танловининг "Болажон тарбиячи" номинациясига сазовор бўлди.*

*Суратда: тарбиячи Дилрабо Азизова ўзининг ўйинчоқларини ҳайъат аъзоларига намойиш қилмоқда.*

**Б.РИЗОҚУЛОВ олган сурат.**



## ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА:

**АЖДОДЛАРГА ЭҲТИРОМ** — *2-бет*

**МАРОСИМ ТАРБИЯГА ТАЪСИР ЭТМАСИН** — *3-бет*

**ЭРКАЛАТСАНГ ЭР БЎЛАР...** — *3-бет*

**ЭРК УЧУН КУРАШГАНЛАР** *(Истиқлол дарси)* — *4-бет*

**РЕЙТИНГ ТИЗИМИГА БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ЎТИЛАДИ** — *8-9-бетлар*

**ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ** — *11-бет*

**ТЕЛЕДАСТУРЛАР** *(Келгуси ҳафта теледастурлари билан танишасиз)* — *14-бет*

**ГУЛИСТОНДА СПОРТ БАЙРАМИ** — *15-бет*

**"МЕНИНГ ЎЗБЕКИСТОНИМ" АЙЛАНМА СКАНВОРД** — *16-бет*

## SO'NGGI UCH KUN MUJDALARI

### BYUDJET LOYIHASI MUHOKAMASI

Oqsaroy qarorgohida O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Islom Karimov huzurida 2003 yil O'zbekiston Respublikasi Davlat byudjeti loyihasi masalasi bo'yicha yig'ilish bo'lib o'tdi.

Yig'ilishda O'zbekiston Respublikasi Bosh vaziri O'. Sultonov, Vazirlar Mahkamasi majmualari va respublika iqtisodiy idoralari rahbarlari ishtirok etdi. Byudjet mablag'laridan foydalanish qismida ularning ijtimoiy yo'naltirilganligini kuchaytirishga e'tibor berilgan.

### ENG AZIZ KUN OLDIDAN

Vazirlar Mahkamasida Mustaqillikning o'n bir yillik bayramiga tayyorgarlik ko'rish va o'tkazish respublika komissiyasining majlisi bo'lib o'tdi. Bosh vazir o'rinbosari, mazkur komissiya raisi H.Karomatov boshqargan majlisda bayram tantanalariga tayyorgarlik jarayoni va bu borada joylarda amalga oshirilishi lozim bo'lgan ishlar muhokama etildi.

O'zbekiston xalq shoiri A.Oripov poytaxtdagi mustaqillik maydonida o'tkaziladigan asosiy tantanalar stsenariysi haqida axborot berdi.

### ISHONCH YORLIG'I TOPSHIRILDI

O'zbekiston Respublikasining Afg'onistondagi Favqulodda va Muxtor elchisi A.Ahmadjonov Afg'oniston o'tish hukumati raisi H.Karzayga ishonch yorlig'ini topshirdi. Topshirish marosimidan so'ng bo'lib o'tgan suhbat chog'ida O'zbekiston va Afg'oniston o'rtasidagi ikki tomonlama munosabatlarni rivojlantirish istiqbollari muhokama etildi.

### KOMISSIYADA LOYIHALAR MUHOKAMASI

Oliy Majlisda Normativ — huquqiy atamalar komissiyasining ikki muhim hujjat — O'zbekiston Respublikasining "Ayrim qonun hujjatlariga qo'shimcha va o'zgartishlar kiritish to'g'risida" va "Fuqarolarning murojaatlari to'g'risida"gi qonun loyihalari muhokamasiga bag'ishlangan yig'ilishi bo'lib o'tdi.

"Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуи ва Қатағон қурбонлари хотираси музейи аждодлар руҳини шод этиш ниятида ташриф буюрган ҳар бир киши учун ҳақиқий зиёратгоҳ бўлади



# ТАНЛОВ ДАВОМ ЭТАДИ

*Жорий йилнинг 1 апрелида Ўзбекистон республикаси халқ таълими вазирлиги ва Ўзбекистон республикаси Ёзувчилар уюшмаси томонидан қуйидаги номинациялар бўйича 1 октябрга қадар "Устоз мураббийлар ҳақида энг яхши асар" кўрик-танлови эълон қилинган эди. Булар:*

*1. "Энг яхши насрий асар" учун;*

*2. "Энг яхши шеърий асар" учун;*

*3. "Энг яхши публицистик асар" учун каби наминациялар эди.*

*Биз танловнинг бориши ҳақида халқ таълими вазирлиги "Маънавий ва маърифий ишлар бошқармаси" бошлиғи Жамолиддин Фозиловдан суриштирдик:*

*—Кадрлар таёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш жараёнларида ўқитувчи-мураббийнинг тутган ўрни, унинг заҳматли меҳнати ҳамда жамият соғломлашувига қўшаётган салмоқли ҳиссасини тараннум этиш, уларда ўзлари амалга ошираётган ишларга рағбат уйғотиш ҳамда мамнунлик ҳиссини ошириш ва бошқа мақсадларда ушбу танлов эълон қилинганди. Бугунги кунгача танловга келиб тушган ижодий ишлар ҳамон кўпчиликни ташкил этмайди.*

*Ҳолбуки, танлов ғолиблари I ўрин учун энг кам иш ҳақининг 50 баробари миқдорида, II ўрин учун энг кам иш ҳақининг 35 баробари миқдорида, III ўрин учун эса энг кам иш ҳаққининг 25 баробари миқдорида мукофот пули ва Ёзувчилар уюшмаси дипломлари билан тақдирланадилар.*

*Биз ижодкор ўқитувчиларга ҳамда барча қалам аҳлига ушбу танловнинг давом этаётганлигини эслатиб ўтган ҳолда, улардан танловда фаол иштирок этишларини сўраб қоламиз.*

*Бугунги кунда ушбу танловнинг вилоят босқичлари давом этмоқда.*

## 31 avgust — Qataqon qurbonlarini yod etish kuni

# АЖДОДЛАРГА ЭҲТИРОМ

Халқимизнинг энг буюк асрий орзуси — мустақиллигимизни қўлга киритганимизга ҳам мана 11 йил тўлди. Биз бугун аждодларимиз интилиб келган, орзу қилган кунларда истиқлол нашидасини суриб яшамоқдамиз. Уларнинг қалбида кўмилиб қолган қутлуғ ниятларга, истакларга эришмоқдамиз. Айни дамда эл-юрт озодлиги йўлида шаҳид кетган бундай улуғ зотлар хотирасини ёд этишимиз, номларини абадийлаштиришимиз улғайиб келаётган ёш авлод учун ибрат бўлса ажаб эмас.

Эсингизда бўлса, бундан 3 йил муқаддам Президентимиз Фармойиши билан "Мустамлака даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш" комиссияси тузилган ва аждодлар хотирасини абадийлаштириш чора-тадбирлари белгиланган эди. Шундан сўнг бу борада бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Жумладан, "Шаҳидлар хотираси" хайрия жамғармаси ташкил этилди. Энг эътиборлиси, пойтахтимизнинг Юнусобод туманида "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуи қад ростлади. Буюк аждодларимизнинг Ватан, эл озодлиги йўлидаги пок истакларию, сўнгги нафаси билан ҳурлик дея ҳайқириб жон таслим қилган халқимиз фарзандларининг асрий орзулари мужассам бўлган бу қутлуғ маскан аччиқ ўтмишимизни, босиб ўтган узоқ тарихимизни ёдга солади, баъзида. Бугун ушбу ёдгорлик мажмуасининг шундоққина ёнгинасидан "Қатағон қурбонлари хотираси" музейи қад кўтарди. Бундан икки аср муқаддам бошланган Чор Россиясининг 50 йиллик мустамлакаси ва сўнгра собиқ совет тузумининг 70 йиллик зуғумини халқимиз ўзининг "қора кунлари" қаторида эсга олади.

Тарихдан маълумки, Чор Россияси ўзининг тиш-тирноғи билан қуролланган ҳарбий кучларидан фойдаланиб, Туркистон халқларининг мардона қаршиликларини куч билан синдириб, ўлкани эгаллаш учун 10 минглаб маҳаллий аҳолининг, Ватан ҳимоячиларининг қонини тўкиб, бутун Ўрта Осиёни бўйсундирди. Тарихий манбаларда Чор Россияси армиясининг Ўрта Осиёга кириб келиши билан унга қарши халқ озодлик ҳаракатлари бошланганлиги ва бу Чор ҳукуматининг ағдарилишига қадар давом этганлиги ҳақидаги маълумотлар қайд қилинади. Шунингдек, мустабид совет тузумининг қатағонлик, қулоқлаштириш, пахта иши каби сиёсатлари натижасида қанчадан-қанча юртдошларимиз озодлик шабадасидан бебаҳра шаҳид кетдилар. Бугунги кунда биз аждодларимиз орзусининг — мустақиллигимизнинг қадрига етишимиз, уларнинг ёрқин сиймоларини қалбимизда мангу сақлашимиз ҳам фарз, ҳам қарздир.

Айни пайтда қуриб битказилган "Қатағон қурбонлари хотираси" музейи ҳам шу эзгу мақсадларимизнинг амалга оширишида катта аҳамият касб этади. Музейнинг барпо этилишидан асосий мақсад, ёш авлоднинг ва келажак авлодни улуғ сиймолар фаолиятидан хабардор этиш, уларни озодлик йўлидаги ҳаракатлари билан таништириш, тарихий ўрнини кўрсатиб беришдан иборатдир. Бу эса фарзандларнинг ўтмиш ҳақиқатини англашига, ундан сабоқ олишига, халқимизнинг чуқур илдизларини танишига хизмат қилади.

— Музейнинг ташкил этилиши бугунги ёшлар учун жуда катта тарбиявий аҳамият касб этади. Бугун биз эл-юрт озодлиги деб курашган ва бу йўлда қурбон бўлган аждодларимиз сиймосини озми-кўпми таниймиз. Бироқ уларнинг улуғ ишларини, буюк хизматларини келажак авлодларга етказиб беришимиз бизнинг олдимизда турган масъулиятли вазифа — бурчимиздир. Зеро, Ватан туйғуси авлодлар қалбида мангу яшасин, — дейди "Шаҳидлар хотираси" хайрия жамғармаси раёсати раиси Наим Каримов.

Музейнинг муҳташам биноси бутун миллий қадриятларимизни, халқимизнинг асрий анъаналарини ўзида мужассам этган бўлиб, ундаги нақшинкор безаклар, бетакрор ранглар жилоси қадимдан мавжуд бўлган ва шу кунимизга қадар шаклланиб келган миллий меъморчилик санъатимизнинг ўлмас қиёфасини ифодалаб турибди. Шу билан бирга музейшунослик анъаналаридан келиб чиққан ҳолда маскан замонавий техник воситалар билан жиҳозланган. Еттита катта-кичик заллардан иборат музейнинг ҳар бир залига турли даврларни қамраб олувчи экспонатлар, фотосуратлар, тарихий манбалар, архив ҳужжатлари ва шу билан боғлиқ кўпгина ашё-буюмлар қўйилади. Асосий залнинг тўрт томонига эса, мониторлар ўрнатилиб, ўтмишимизнинг даҳшатли манзараларини акс эттирувчи ҳужжатли фильмлар, видеолавҳалар намойиш этилади.

Бир сўз билан айтганда, 16 гектарлик майдонни қамраган ҳудуддан жой олган икки катта иншоат — "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуи ва Қатағон қурбонлари хотираси музейи аждодлар руҳини шод этиш ниятида ташриф буюрган ҳар бир киши учун ҳақиқий зиёратгоҳ бўлади, десак янглишмаган бўламиз. Бу эзгу ишларнинг барчаси эл-юртимизга, унинг тинчлиги, озодлиги, фаровонлиги йўлида курашиб шаҳид кетган буюк аждодларимизга бўлган катта эҳтиром белгисидир. Зеро, улуғ ёзувчимиз А.Қодирий айтганидек, мозийга қайтиб иш кўрмоқ хайрлидир.

**Фаррух БЎТАЕВ**

# ДУНЁ—БОЛАЛАР НИГОҲИДА

**Республика Ўқувчилар саройида "Дунё—болалар нигоҳида" мавзусидаги асфальтга расм чизиш танлови бўлиб ўтди. Танлов ўқувчилар саройи тўгараклари ўртасида ўтказилган бўлиб, унда 6 та командадан 30 нафар ўқувчилар иштирок этдилар.**

**Сарой олдидаги катта йўлда ҳаракат тўхтатилиб, болаларнинг бемалол ижод қилишлари учун барча қулайликлар яратилди. Болалар ўзларининг тасаввурида келажакда дунё ва дунё деганда нимани кўз олдига келтиришса, шуларни 1м.кв ҳажмдаги асфальтга расм қилиб чизишди. Катта йўл юзаси гўёки кўргазмалар намойишига ўхшаб из қолдирди. Мурғак қалбларнинг улкан орзулари, фантазиялари ана шу танловда ўз аксини топди. Танлов якунига кўра "Тасвирий санъат" тўгараги ўқувчилари биринчиликни қўлга киритдилар. 2—ўрин эса "Ёш ҳамширалар" тўгараги аъзоларига насиб этди. 3—ўринни "Пазандалар" тўгараги иштирокчилари эгалладилар. Ушбу танловнинг вилоятлар бўйича қуйи босқич якунлари аниқлангач, республика босқичи ўтказилиши режалаштирилган. Ғолиблар эса "Аулин","Tufin","Anata" қўшма корхоналари, Республика "Болалар" жамғармаси каби ҳомий ташкилотлар томонидан тақдирландилар.**

**Назокат ХОЛМЕТОВА**

# ҲУНАРЛИ ЁШЛАР ДАРГОҲИ

Пойтахтимизнинг Акмал Икромов туманидаги Мақсуд Шайхзода кўчасида жойлашган миллий ҳунармандчилик коллежи туман қурилиш бошқармаси ҳомийлигида таъмирланиб, замонавий ўқув анжомлари билан жиҳозланди.

Мазкур ўқув масканида талабаларга асосан заргарлик, ёғоч ўймакорлиги, наққошлик, миллий кийимлар тикувчиси ва ишлаб чиқариш устаси йўналишлари ҳамда бизнес ҳисоби, химия, физика, астрономия, компьютер технологиялари фанларидан чуқур сабоқ берилади.

Шунингдек, "Нафосат" тикувчилик тўгараги, "Бинафша", "Олмос" зардўзлик тўгараклари уларнинг касб-ҳунар сирларини мукаммал ўрганишларига ёрдам беради. Ёшларга сабоқ бераётган 24 нафар ишлаб чиқариш устаси, 62 нафар малакали педагогларнинг аксарияти кўп йиллик тажрибага эга олий ва биринчи тоифали ўқитувчилардир.

— Коллежимизда мақтаса арзигулик ёшлар кўп. Уларнинг ютуқлари — бизнинг ютуғимиз, — дейди биз билан суҳбатда коллеж директорининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича ўринбосари Дилбархон Ваҳобова. — Яқинда шаҳримизда ўтказилган "Энг яхши мутахассис" кўрик-танловида коллеж талабаси Муҳайё Тожибоева 4-ўринни қўлга киритди. Ушбу беллашувнинг республика босқичида эса Камолиддин Раҳимов ёғоч ўймакорлиги бўйича 1-ўринни эгаллаб, имтиҳонларсиз олий ўқув юртига ўқишга қабул қилинганлиги қувонарли ҳол.

Ўқув маскани фаолияти ҳақидаги янгиликлар, ёшларнинг таълим олишида ўқитувчилар ташаббуси билан амалга оширилаётган ишлар кўлами ҳақидаги маълумотлар билан танишиб қайтар эканмиз, қалбимиз фахрга тўлди. Юртбошимизнинг "Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт" деган сўзлари амалда ҳаётга татбиқ этилаётганига яна бир карра амин бўлдик.

**Орзугул РУСТАМОВА**

# "Экосан"да анжуман

***"Экосан" халқаро жамғармаси юртимиздаги илк жамғармалардан бири ҳисобланади. Халқаро жамғарма уюштираётган анжуманлар табиатни муҳофаза қилишга ундовчи восита вазифасини бажаряпти.***

***Яқинда "Экосан" халқаро жамғармасида Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, "Маҳалла" жамғармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда "Нодавлат ташкилотлари ва барқарор ривожланиш йўлидаги ҳамкорлик" мавзуида конференция бўлиб ўтди. Анжуманни "Экосан" халқаро жамғармасининг президенти Ю. Шодиметов, Ўзбекистон Республикаси Бош Вазири ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитасининг раиси Дилбар Ғуломовалар очиб беришди. Конференцияда Акмал Саидов, Аъзамжон Гадойбоев, Ботир Убайдуллаев, Ойниса Мусурмонова, Раъно Убайдуллаева, Аббос Шермуҳаммедов, Александр Зуев, Ҳасан Турсунов, Сайдрасул Сангиновлар барқарор тараққиётни таъминлашда нодавлат жамоат ташкилотларининг роли, давлат ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлиги ҳамда бу борадаги ютуқ ва камчиликлар ҳақида маъруза қилишди.***

**Шоҳрухбек О-**



# МАРОСИМ ТАРБИЯГА ТАЪСИР ЭТМАСИН

Тўйларимиздан аввалги ва кейинги кераксиз анъаналаримиз, маросимларимиз туфайли келиб чиқадиган ортиқча сарф-харажатлар нафақат катталарнинг, балки ёш болаларнинг ҳам руҳий изтиробга тушишларига сабабчи экан. Европага бориб келган қўшним "у ерда боғчага, мактабга борган болаларнинг кайфиятига, юриш-туришига ўқитувчилар томонидан жиддий эътибор бериб борилар экан", деди. Агар бола бирон нимадан норози бўлса, мактаб формаси жойида бўлмаса ёки ўқув қуроли билан тўлиқ таъминланмаган бўлса ўқитувчи ўша ўқувчининг уйига бориб, ота-онаси билан суриштирув ишлари олиб боришга, унинг нима учун мактабга камчилик билан келганининг тагига етишга ҳақли экан. Агар ота-она ўз фарзандининг тарбиясига, билим олишига лоқайдлик билан қараса, улар ўқитувчи томонидан судга берилар экан.

Бизда-чи? Афсуски, пешона тери тўкиб топган маблағимизни, вақтимизни кўпроқ тўйларимизга, кераксиз ҳою-ҳавасларга қаратишга мажбурмиз. Сабаби, обрў-дабдаба орттирмоқчи бўлган учта-тўртта онги паст инсонларни деб жамиятимизга суқилиб кирган қовурдоқ, чарлар, чилёсин, чақириқ ва бошқа-бошқа удумлардан воз кеча олмаймиз. Мен ўзбек урф-одатларига қарши эмасман, ҳар бир хонадондан тўй аримасин. Лекин у баҳона исрофгарчиликка йўл қўйиб, турмушимизни заҳар-заққумга айлантираётганлигимизни унутмайлик.

Бир куни иш юзасидан шаҳримиздаги боғчаларнинг бирига бордим. Дарвоза тагида беш-олти ёшлардаги бола йиғлаб ўтирарди. Одатда боланинг йиғлашига қараб бирон ери оғрияптими, эркаланиб йиғлаяптими, аразлаяптими — билиб олишимиз мумкин. Бироқ у бошини қуйи эгганича, худди катталардек ғам-ташвишга берилиб йиғлаб ўтирарди. Унинг ёнига яқинлашиб сўрадим:

— Нега йиғлаяпсан?

— Ойим боғчамга юбормаяптилар.

Шу пайт ёшгина жувон келди-да, унинг қўлидан судради.

Бола бормайман, дея хархаша қила бошлади.

— Кўпчилик болалар боғчага бормайман деб йиғлайди. Сизнинг ўғлингиз боғчасини шунчалик яхши кўраркан, нега юбормаяпсиз?

— Э, опа бир ойдан бери боғча пулини тўлай олмаяпман, — деди жувон ўкинч билан.

— Нима ишламайсизми?

— Ишлайман, лекин қариндош-уруғим, қўни-қўшниларимникида шунчалик тўй кўпки, олган ойлигимни тоғора, латта-путтага етказа олмаяпман. Мана бугун ҳам қўшнимникида тўй. Бир тоғора сомса қилиб, устига латта қўйишим керак, — шу гапларни айтаркан аёл яна ўғлининг қўлидан судради. У эса "Боғчамга кираман" дея хархаша қилаверди. Шунда она фарзандининг юзига шапалоқ тортиб юборди ва бола йиғлаганича иложсиз унга эргашди.

Мен келиннинг бу хатти-ҳаракатига эътироз билдира олмадим. Чунки шундоқ ҳам унинг изтиробга тушганини, тўйнинг ортиқча чиқимлари туфайли уйида кунора жанжал бўлишидан қаттиқ руҳий чарчаганлигини англаб турардим. Бундай мисолларни мактаб ёшидаги болаларда ҳам кўриш мумкин. Мактабларда обуна масаласи, ҳар хил тадбирлар, байрамлар, ремонт ишлари... Буларнинг барчаси маблағга бориб тақалади. Агар бор-будимизни тоғораю латта-путтага сарфласак, боламизга мактаби учун вақтида сўраган пулини беролмаймиз, натижада фарзандимиз ўқитувчисидан дакки эшитади, синфдошлари олдида изза бўлади. Унинг руҳиятидаги ўзгариш мактабдан совушга, ўқишга беписанд қарашга олиб келади. Чунки у бугун онамдан қандай қилиб пул сўрайман, яна гап эшитиб қоламанми деган хаёл билан банд бўлади. Агар тўй қиладиган бўлсак, бир ой олдин тайёргарлик кўрамиз. Фарзандларимизнинг дарси билан ишимиз ҳам, вақтимиз ҳам бўлмай қолади. Ҳаттоки тўй ўтгунча мактабингга бормай қўяқолгин, деб ўзимиз айтамиз ҳам.

Энди яхшилаб мулоҳаза қилиб кўрайлик. Ота-онанинг ҳар бир нотўғри хатти-ҳаракати учун европалик муаллимлар судга беришга ҳақли эканлару бизда эса, ўқувчисининг мактаб қуролини, дарслик китобларини, формасини тўлиқ таъминлаб беролмаган ота-онадан талаб қилишга ўқитувчиларимиз хижолат тортиб қолишади. Сабаби аён, ўша ота-она яқиндагина тўй қилди ёки қариндошининг, қўшнисининг, танишининг маросими билан овора бўлиб, фарзандига қарай олмади. Кўча-кўйда эътибор берган бўлсангиз бошқа миллат вакиллари боласини ўйнатиб юрган вақтида гулларни кўрсатиб, унинг рангини, номини эринмай тушунтиради, ҳар бир саволига тўлиқ жавоб беришга ҳаракат қилади. Ўзбек аёли-чи, китобини кўтариб келиб уй вазифасига қарашиб юборишини сўраган боласини уришиб беради, ўқиб олим бўлармидинг, дея баттар ҳафсаласини қолдиради. Аммо ўзбек аёлининг бу қилмишини ҳам айблашга ҳаққимиз йўқ. Сабаби у уй ишларини бажариши, кир ювиши, овқат қилиши керак. Барча ишларини бажариб бўлиб, бозорга бориб келиши, навбатдаги борадиган тўйига тоғорада нарса пишириши, бунинг учун эри билан жанжаллашиб, харажат учун пул сўраши, шунча кундалик ташвиши бўла туриб яна фарзандининг дарсига ҳам қарашиш унга ошиқча туюлса керак.

Менинг фикримча, таълим ходимлари, маҳалла қўмиталари раислари, ота-оналар, хотин-қизлар фаоллари ўртасида тез-тез учрашувлар, тушунтириш ишларини олиб боришлари, арзимас, лекин жамиятимиз учун катта муаммоларни туғдираётган масалаларга жиддий эътибор беришлари лозимдир. Назаримизда, ўзбекнинг фаровон турмушига раҳна солувчи "тоғора"ларни йўқ қилиш фурсати етди.

**Раъно МАҲМУДОВА**

**Mulohaza**



# ЭРКАЛАТСАНГ ЭР БЎЛАР...

*"Боланинг сазасини ўлдираверишва барча ҳаракатлари, ўй-фикрларини тинимсиз йўлга солавериш уни ҳаётга яроқсиз қилиб боради. Бундай болалар фақат айтганини қиладигангина эмас, ўта шахсиятпараст ва ўзига бино қўйган кишиларга айланадилар.*

*Инсон борлиқни, табиатни жуда тез англайди. У ижтимоий ва моддий муҳитни бундан юз минг йиллар аввал ўргана бошлади. Дунё ҳақидаги фалсафий қарашлар юқори босқичга етди. Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Ал-Хоразмий, Арасту, Демокрит каби мутафаккирлар асарлари маънавий озуқага айланди. Инсон самога, ойга қадам қўйди, турли илмий фаразлар, юксак ғояларнинг асосчиси бўлди. Аммо ҳанузгача одамзот ўз табиати, ички олами тўғрисида етарли маълумотга эга эмас. Кишилар атроф-муҳитни, табиатни ўзгартиришга эриша олди, ўзининг тўлақонли бошқариш механизмини эса ишлаб чиқолмади, негаки дунёни ларзага келтирган кашфиётларнинг ҳеч бири инсон руҳиятини тубдан ўзгартиришга қодир эмас эди. Шунинг учун бўлса керак, таълим-тарбия бобида, хусусан, фарзанд тарбиясида ҳам алоҳида кўрсатмалар, маълум бир усуллар мавжуд эмас. Бир болага бўлган муомала-муносабат, бошқа бир болага нолойиқ, ҳатто зарарли бўлиши мумкин. Кимнидир тергаб, яна кимнидир ширин сўз билан тўғри йўлга солишда болаларнинг ички "мени"га тазйиқ кўрсатишдан эҳтиёт бўлиш лозим.*

*Келинг, яхшиси мақсадга кўча қолайлик. "Эркалатсанг, эр бўлади," деган нақлни эшитгансиз. Бу гапнинг чинлигига кўча-кўйда, турмушда ҳам амин бўлгансиз, албатта.*

*Руҳшунос олимлар эса, бундай ҳолатни қуйидагича изоҳлайдилар. Инсон ички оламида бирламчи эҳтиёж унинг хавфсизлиги ва интилиши ҳисобланади. Инсоннинг мавжудлиги унинг хавфсизлигига боғлиқ бўлса, интилиши яшамоқ демакдир. Катталарнинг хохиш-истаги болаларникига ўхшамаганидай, уларнинг воқеа-ҳодисалардан хавфсирашлари, фарзандларига бўлган меҳрибонликлари, ақлий камолот сари етаклашлари болалар томонидан бирдай қўллаб-қувватланмайди. Масалан, ота-она фарзандининг совуқ ейишидан қўрқса, болакай ўз ҳоҳиш-истагининг бўғилишидан қўрқади, ота-она учун муҳими соғлиқ бўлса, унга эса, ғурур. Худди шунингдек, болаларнинг қайсарлигини сиз ҳам тинимсиз равишда доимий дўқ-пўписа, аччиқ сўз, калтаклаш билан енгмоқчи бўлсангиз, вазиятни янада оғирлаштириб, фарзандингиз юрагига ёмонлик, нафрат, қабоҳат уруғини эккан бўласиз.*

*Ёдингизда бўлса, машҳур "Қор маликаси" фильмидаги қароқчи қизнинг барча хоҳиш-истаклари бажарилади, унинг учун ҳамма нарса мумкин, ижобат бўлмайдиган орзунинг ўзи йўқ. Онасининг мақсади, шафқатсиз қароқчини тарбиялаб вояга етказиш. Лекин бутун бошли тўдада қизалоқдан-да меҳрибон, шафқатли зот учрамайди.*

*Бундан кўринадики, инсоннинг ҳиссиёти унинг ақлига нисбатан тез ҳаракатланади, аввало у борлиқни сезади, ҳис этади, сўнг ақлан идрок этади. Шундай экан, биз катталар болаларнинг руҳиятига муҳаббат ила муомала қилишимиз лозим. Фарзандлар энг қийин вақтда ҳам бизга суянишлари мумкинлигини, четдан нажот кутмай, муаммоларини биргаликда ҳал этишлари, улар учун энг яқин дўст биз эканлигимизни ҳис этиб яшашлари лозим. Ота-оналарнинг вазифаси ҳам болаларни ҳаётдан тўла завқланишга, Ватанга, миллатга, илм-фанга чексиз муҳаббат руҳида тарбиялашга, гўзаллик ва яхшилик қудратини кўрсатишга эришишдир. Бастакор, файласуф Л. Бетховен таъкидлаганидек, "Болаларимизга яхшиликни сингдириб ўстирайлик, уларга бахтни фақатгина шу беради".*

*Зеро, "Эркалатсанг эр бўлади, йўқса қаро ер бўлади", деганлари чин-да.*

**Дилором ЙЎЛДОШЕВА,**
**руҳшунос**

Mehmonxona

Тўра МИРЗАЕВ:

# МУАЛЛИМ ОЛДИДА БУРЧЛИМИЗ

***Таниқли адабиётшунос олим Тўра Мирзаев Бухоро вилояти Шофиркон туманининг Саврак қишлоғида 1936 йили таваллуд топган. Ўрта мактабни тугатгач, Бухоро давлат педагогика институтида таҳсил олган. Институтни имтиёзли диплом билан битириб, дастлаб Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон туманида ўқитувчи бўлиб ишлаган. 1961 йилдан ЎзФА Тил ва адабиёт институтида ишлаб келмоқда. 1981 йилдан мазкур институтнинг директори. Шу билан бирга 2001 йил март ойидан Ўзбекистон Фанлар Академияси вице президенти вазифасини бажариб келмоқда.***

***Олимнинг ҳозиргача тўрт юзга яқин монография, рисола ва фольклор тўпламлари, илмий-оммабоп мақолалари нашр этилган. "Ҳоди Зариф. Адабий портрет" (1967), "Алпомиш" достонининг ўзбекча вариантлари (1968), "Халқ бахшиларининг эпик репертуари" (1979) ва жуда кўплаб фольклор асарларга сўзбошилар унинг қаламига мансуб. Айниқса, 1999 йили нашр этилган "Алпомиш" достонининг академик нашри Т.Мирзаев фаолиятидаги йирик ишлар сирасидан. Бевосита нашрга у тайёрлаган "Алпомиш" достонининг Пеньковский таржимаси 1982 йили "Библиотека поэта" туркумида чоп этилган бўлса, "Узбекская народная поэзия" китоби 1990 йили Ленинградда чиққан. "Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди" номли педагогика институтлари ва университетлари учун мўлжалланган, ҳамкорликда ёзилган дарслик икки марта (1980, 1990) нашр этилди. Ҳозир шу қўлланманинг янги нашри тайёрланмоқда.***



**— Ўзбек халқ оғзаки ижодини илмий ўрганиш ва тарғиб-ташвиқ этишга умрини бағишлаб келаётган олим сифатида, айтингчи, бу соҳага қизиқиш Сизда қачон пайдо бўлган? Фаолиятингизга устозларингизнинг таъсири қай тариқа кечган?**

— Ёшлик пайтларимда фольклор асарларни жуда севиб ўқиганман. Ҳатто айрим достонларни, тўла бўлмаса-да, муайян қисмини ёд билар эдим. Бунда мактаб ўқитувчиларимнинг хизмати катта бўлган. 5-синфда бизга она тили ва адабиётдан Ҳамро Холмуродов деган муаллим дарс берарди. У киши дарсга кираверишда эшикдан: "Шоир бўлар, билинг, одам фақири, Шуйтиб адо бўлди гапнинг охири", деб кириб келарди. Ва дарсни якунлагач, "Алпомиш" достонидаги шу охирги мисрани айтиб, синфдан чиқиб кетарди.

Биз мактабда ўқиган пайтлар дарсликларда халқ оғзаки ижоди намуналаридан — мақолар, топишмоқлар, достонлардан парчалар жуда кўп бериларди. Лекин мен институтни битириб, Сурхондарёда ишлаётган пайтимда, гарчи айрим халқ мақолларини, ҳатто "Нурали" достонининг маълум бир қисмини ёзиб олган бўлсам-да, халқ оғзаки ижоди бўйича мутахассис бўламан, деб ўйламаганман. Сабаби, мен тилшунос ёки ҳозирги адабиёт бўйича мутахассис бўламан, деган ниятда иккита реферат ёзиб, Тошкентга келганман.

Ўша вақтда Тил ва адабиёт институтининг илмий котиби Суйима Ғаниева фольклор бўйича аспирантурага ҳужжат топширишимни маслаҳат берган ва Ҳоди Тиллаевич Зарифов раҳбар бўлишини айтган. Шундан кейин мен уч ой Тошкентда қолиб, халқ оғзаки ижоди бўйича нашр этилган тадқиқотлар, китоблар — ҳаммасини яна ўқиб чиқиб, аспирантурага кирганман... Хуллас, 1961 йилдан бери муттасил халқ оғзаки ижоди билан шуғулланиб келаман.

Фольклоршунос бўлиб шаклланишимда устозим, ўзбек фольклоршунослиги асосчиси Ҳоди Зарифовнинг алоҳида хизмати бор. Бу буюк олимга шогирд тушганимдан доим фахрланиб юраман, у кишининг руҳи олдида ўзимни бурчли ва қарздор, деб ҳисоблайман. Устозning фаннинг истиқболини нақадар теран кўра билганига оид бир воқеани айтиб берай.

Аспирантурага қабул қилинганимдан сўнг, мавзу танлашим керак эди. Ўша пайтда илм ҳам, яшаш тарзимиз ҳам — ҳаммаси сиёсатлаштирилган эди. Комфирқа ҳақида, Ленин ҳақида ёзиш керак эди ва бу осон йўл эди, тезда, машаққат чекмай диссертация ёқлаб олинарди. Табиийки, эндигина институтни битириб, узоқ қишлоқда ўқитувчилик қилиб келган мендай ёш йигит бундай оқимдан четга чиқа олмасди. Ана шундай пайтда домла: "Қандай мавзуда ишлайсиз?" деб сўраганда мен: "Ўзбек совет фольклорида Ленин образи", деган мавзуда диссертация ёзишни айтганман. Ҳоди Зарифов ўшанда ҳеч нимадан ҳайиқмай: "Бундай мавзудан диссертация чиқмайди", деб мени бутунлай бошқа мавзуга йўналтирган.

Мана даврлар ўтди, эски иттифоқ емирилди. Ўша олди-қочди мавзулардан ҳатто докторлик қилганлар бор. Эндиликда бу ишларнинг аҳамияти қолмади. Яхшиямки, мен ҳаётимда Ҳоди Зарифовдай етук олимга дуч келган эканман. Бугун мен нимагаки эришган бўлсам, ана шу улуғ инсоннинг насиҳатлари, тўғри йўл кўрсатганини туфайли эришганман, деб ўйлайман.

**— "Алпомиш" достони илмий-ижодий фаолиятингиз марказида туради. Бу достон билан боғлиқ ишларингизда кўлга киритган ютуқлардан қониқасизми?**

— Ҳар бир олимнинг ўзига яраша, озми-кўпми, ютуқлари бўлади. Мен ўзимни катта ютуқларга эришган, ҳар жиҳатдан устозлар даражасига кўтарилган олим, деб ҳисобламайман. Лекин фаолиятим давомидаги дастлабки ютуғим деб "Алпомиш" достонини ўрганишга киришганим ва бу достоннинг ўзбекча вариантларини тадқиқ этганим, деб ўйлайман. Чунки "Алпомиш" достони вариантлари бўйича номзодлик диссертациясини ёзиб, автореферат чиқарганимдан кейин, биринчи бўлиб академик Жирмунскийдан хат олганман. Жирмунский менинг ишимга катта баҳо берган ва ҳатто, бу халқ достонларини вариантлар асосида ўрганишдаги илк тадқиқот, бундай ишни давом эттириш керак, деган. Бу мени жуда руҳлантирган.

Агар умрим давомида "Алпомиш" достонини ўрганиб келаётган бўлсам ҳам, ҳали бу достонни тўла-тўкис ўргандим, деб айта олмайман. "Алпомиш" достони халқимизнинг шундай буюк меросики, ҳали бунга жуда кўп авлодлар тадқиқотчилари мурожаат этишади. Бироқ мен аминманки, бу достон неча вариантларда ёзиб олинган, кўплаб туркий халқлар тилларига тарқалган бўлмасин, ҳали ҳеч ким Фозил Йўлдош ўғлидан ёзиб олинган нусха даражасига кўтарила олган эмас. Барча замонларнинг тадқиқотчилари Фозил шоир "Алпомиш" достонини 1928 йили айтиб туриб ёздирганда, ниҳоятда катта достончилик маҳоратини кўрсатганини, албатта, тан олади. Ва ўйлайманки, "Алпомиш" достони абадул-абад буюк достончи Фозил Йўлдош ўғли номи билан сақланиб қолади. Шунинг учун ҳам атоқли шоиримиз Ҳамид Олимжон "Алпомиш" достони Фозил Йўлдош ўғлининг шоирлик бешиги бўлган эди, деганди.

**— Илмий-ижодий фаолиятингиз давомида республикамизнинг деярли барча шаҳар ва қишлоқларини, овулларини кезиб чиққансиз. Халқимизнинг бой фольклор меросининг туб манбалари — сарчашмалари қаердан куч-қувват олади?**

— Бу жуда қизиқ, шу билан бирга мураккаб савол. Албатта, халқ ижодининг муаллифи йўқ, унинг ижрочилари бор. Халқ ижоди — бу қадимият. Масалан, эпосни олсак, у жуда қадимда яратилган. Тўғри, ҳар қандай фольклор асарининг яратилишида муайян шахснинг иштироки бор. Лекин ўша муайян шахс иштирокида юзага келган фольклор асари куйланиш давомида унинг илк ижодкорлари унитилиб кетади. Халқ оғзаки ижодида даврлар мобайнида ҳар куни нимадир унутилади, ҳар куни нимадир ижод қилинади, янги нарсалар қўшилади. Демак, бу узлуксиз жараён. Немис олими Штейнталь: фольклор — тўхтовсиз оқиб турадиган поэтик оқим, деган. Келинг, бир халқ қўшиғидан мисол келтирай. Бу қўшиқ дастлаб мана бундай яратилган бўлиши мумкин:

Сув оқару, сув оқар,
Сув тагида қум оқар.
Суйганим ташлаб кетса,
Менга кулиб ким боқар.

Бу қўшиқнинг дастлабки икки сатри анъанавий. Ана шу қолип — икки сатр асосида давлараро қўшиқ давом этаверади. Чоризм босқини даврида юртимиздан мардикорликка олиш воқеаси юз берганини биласиз. Ўша пайтда бу қўшиқ қуйидагича ўзгарган:

Сув оқару, сув оқар,
Сув тагида қум оқар.
"Вайна"га кетганларнинг,
Боласини ким боқар.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Демак, халқ оғзаки ижодида мустаҳкам анъаналар ҳукмрон бўлади. Ана шу анъаналар доирасида жонли фольклор, жонли ижод яшайди. Бир сўз билан айтганда, халқимизнинг бой оғзаки мероси сарчашмаси — халқнинг ўзи.

**— Мустақил фикрлайдиган, комил инсон тарбиясида халқ оғзаки ижодининг ўрни ва аҳамияти қай даражада? Халқ оғзаки ижодининг мактабларда, коллеж ва олий ўқув юртларида ўқитилишини янада такомиллаштириш учун нималарга эътибор қаратиш зарур, деб ўйлайсиз?**

— Ёш авлодни тарбиялашда санъатнинг бошқа турлари қатори халқ оғзаки ижодининг ҳам ниҳоятда катта ўрни бор. Бола туғилганидан умрининг охиригача фольклор ҳаётида яшайди, деярли ҳар куни халқ мақолларини, термаларини, эртак ва маталларини эшитади. Олимларнинг ҳисоблашларича, бир одам умри давомида 800 тача мақолни ишлатар экан. Лекин сўралганда кетма-кет тўрт-беш тагина мақол айтиши мумкин. Шунга қарамай, ҳар бир одам маълум маънода фольклор "ташувчисидир".

Биз узлуксиз таълим системасига ўтганимиздан кейин юзага келган мактаб дарсликлари, мажмуаларида халқ оғзаки ижодига алоҳида эътибор берилдики, бу ҳолни бемалол қаноатланарли, дейиш мумкин. 1-синфдан 9-синф дарсликларигача фольклор асарларидан намуналар киритилган. Давлат стандартларини белгилаганда, дастурларни тасдиқлаганда халқ таълими ходимлари, дарслик муаллифлари тўғри йўл тутганлар. Масалан, "Алпомиш" достони 9-синфда ўқитилади.

Олий ўқув юртларида халқ оғзаки ижодининг ўқитилишига менинг баъзи бир эътирозларим бор. Халқ оғзаки ижоди фақат 1-курсда ўқитилади, ажратилган соатлар жуда кам. Ваҳоланки, бизнинг фольклор меросимиз ниҳоятда бой. Айтайлик, бугун фольклоршунослар танланган, энг юксак намуналар асосида ўзбек халқ оғзаки ижодининг юз жилдлигини амалга оширишга ҳаракат қилиб юришибди. Модомики, шундай катта ҳажмдаги меросимиз бор экан, уни ўқитиш ҳам шунга яраша бўлиши керак. Шу билан бирга филология факультетлари талабаларига фольклор ва диалектология амалиётларини яхши йўлга қўйиш керак. Агар биз, масалан, беш нафар талабани бугун фольклор экспедициясига олиб чиқиб ўргатсак, шулардан биттаси фольклорчи бўлиб етишса, бу жуда катта гап.

**— Муаллим—миллатнинг юзи, дейишади. Бу соҳа заҳматкашларига қандай истак ва таклифларингиз, тилакларингиз бор?**

— Дарҳақиқат, биз ким бўлмайлик — олимми, шоирми, оддий ишчими, қайси касбда меҳнат қилмайлик, муаллим олдида бурчлимиз. Чунки агар дунёга келган фарзандга она тил берса, муаллим унга илм беради, биринчи бўлиб ҳарф ўргатади. Ҳеч қайсимиз ҳеч қачон бу зотни унутишга ҳаққимиз йўқ. Шу боисдан ҳам ўқитувчи жамиятда энг юксак мавқеда туриши лозим. Бугун Ўзбекистонимизда олиб борилаётган маърифий, маънавий ишлар ҳам шунга қаратилган. Шаҳардами, қишлоқдами, қаерда бўлмасин, элнинг олди, энг обрўли киши ўқитувчи бўлиши керак. Бироқ айрим жойларда бу касб эгаларини муайян амалдорлар томонидан обрўсизлантириш ҳоллари ҳам бўлади. Маълум маънода баъзи бир муаллимлар ҳам шунга ўзлари имкон туғдириб беришади, яъни айрим ножўя ҳаракатлари бунга сабаб бўлади.

Модомики, ўқитувчилар жамиятимизда энг шарафли касб соҳиблари сифатида юқори мақомда турарканлар, улар шунга доимо муносиб бўлсинлар. Менинг азиз муаллимларимизга истагим, тилагим шу.

**Аҳмад ОТАБОЕВ**
**суҳбатлашди.**

# ЭРК УЧУН КУРАШГАНЛАР

## (ИСТИҚЛОЛ ДАРСИ)

Мамлакатимиз миллий истиқлолни қўлга киритганига, халқимиз ўз эрки, озодлигига эришганига 11 йил тўлди. Бу санани кўтаринки руҳда кутиб олиш учун республикамизнинг турли бурчакларида катта тайёргарлик кўрилмоқда. Умумтаълим мактаблари, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ва бошқа таълим муассасаларида машғулотлар "Истиқлол сабоқлари" билан бошланади.

Истиқлол тонги отди, халқимиз янги жамият бунёд этиш учун юзланди. Энди олдимизда Юртбошимиз таъбири билан айтганда, "...ўқувчиларимизни ўз тараққиёт йўлимиздан тезкорлик билан илгари силжишга кучли руҳий қувват берадиган миллий маданиятимиз, Шарқ фалсафасининг ҳаётбахш ва теран булоқларидан баҳраманд этиш..." дек долзарб ва муҳим вазифа турибди. Мазкур вазифани бажариш, келажак кишисини, комил инсонларни етиштириш учун улар онгига нафақат жаҳон тамойилларига асосланган билимларни, балки минг йиллик адабий меросимиз дурдоналарини сингдириш, адабий нутқ меъёрларини шакллантириш талаб этилади.

2002-2003 ўқув йилидаги дастлабки сабоқ мана шу талаблардан келиб чиқиб режалаштирилиши ва ўтказилиши лозим. Мазкур сабоқ ўқув йилининг дастлабки машғулоти бўлганлиги боис ўқувчиларнинг илгари ўқиганлари ва билганлари ҳамда қўшимча адабиётлардан фойдаланиш асосида ташкил этилади.

Истиқлол, озодлик, эрк... Ўқувчиларга мазкур тушунчаларнинг туб маъноларини чуқур англатиш учун жонажон диёримиз мустақиллиги, эрк, Ватан, халқ озодлиги, миллат равнақи йўлида жон фидо этган миллий қаҳрамонлар; билими, салоҳияти ва кашфиётлари билан жаҳон илм-фани ва маданиятини юксакликка кўтарган даҳолар; ягона давлатчилик сиёсати билан дунёни титратган жаҳонгир бобомиз Амир Темур, шоҳ ва шоир Бобур Мирзо ҳақида, қатағон йилларининг "кишан киймаган, бўйин эгмаган" ҳурфикр инсонлари, уларнинг исёнкор руҳдаги асарлари ҳақида, шунингдек, бугунги кунда Ўзбекистонда амалга оширилаётган оламшумул воқеалар ҳақида қизғин суҳбат, баҳс-мунозара, мушоиралар уюштирилиши мақсадга мувофиқдир. "Истиқлол дарслари" бошқа машғулотлардан тубдан фарқ қилиши жоиз, қизиқарли, ёдда қоладиган тарзда интерфаол усуллардан фойдаланган ҳолда ташкил этилиши лозим.

"Истиқлол дарси" бўйича ҳар бир синф учун танланган мавзулар мураккаблиги жиҳатидан фарқ қилиши керак, зеро, мазкур сабоқ ўқувчиларнинг мустақиллик, истиқлол ҳақида айни пайтгача эгаллаётган билими ва тушунчаларини янада бойитишга, тасаввурларини кенгайтиришга хизмат қилади.

Истиқлол дарслари қуйидаги мавзуларда ўтказилиши мумкин:

**V-VIII синфлар учун:**

1. Ўзбекистон-Ватаним маним.
2. Ҳурлик муборак, бойликларга кон Ўзбекистоним.
3. Ватанимизнинг оташқалб фидойилари.
4. Она юртим — олтин бешигим.
5. Истиқлол туҳфалари.
6. Мустақил Ватаним байроғи мангу ҳилпирасин.
7. Ватан она каби ягонадир.
8. Ватан остонадан бошланади.
9. Озод элнинг фарзандиман.
10. "Елкамизга офтобнинг текканлиги рост бўлсин".

**IX-XI синфлар учун:**

1. "Ватандин яхши ёр ўлмас" (Истиқлол — шоирлар назмида).
2. Истиқлолинг боқий бўлсин, эй она юртим.
3. Ватанга жон фидо этганлар.
4. Истиқлолинг муборак, ҳур Ўзбекистон.
5. Ватан — саждагоҳим менинг.
6. Ўзга юртда шоҳ бўлгунча, ўз юртингда гадо бўл.
7. Маънавияти етук ёшлар — ҳур диёримиз ворислари.
8. Меҳринг билан яшаймиз, Ватан.
9. Турон замин осмони ҳамиша мусаффо бўлсин.
10. "Оламни маҳлиё айлаган диёр".

Муаллимларимиз ўз ўқувчиларининг билим савияси, ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда юқоридаги мавзулардан бирини танлайдилар.



Қуйидаги дарс ишланмаси юқори синфлар учун намуна сифатида ҳавола этилади.

**Мавзу:** Ватанга жон фидо этганлар.

Дарснинг мақсади: ўқувчига ўз "Мен"лигини ёрқинроқ танитиш, эрк, истиқлол, Ватан, тил ҳақидаги билимларини ошириш, ҳис-туйғуларини жонлантириш, поклаш, миллатга, халққа, Ватанга нисбатан муҳаббат, ифтихор туйғуларини уйғотиш ва фидойилик руҳида тарбиялаш.

Дарснинг жиҳози: расм, плакат, мумтоз адабиёт, XX аср адабиёти Шарқ файласуфлари асарларидан намуналар.

Дарс ўқитувчининг кириш сўзи билан бошланади.

**Ўқитувчи:** Азиз ўқувчилар, юртимизда истиқлол тонги отди. Диёримиз мустақиллик сари юз тутди. Эътироз ва танқидларга учраган, қораланган, инкор этилган қадриятларимиз, анъана ва расм-русумларимиз элимизга қайтди. Озодлик учун, эрк учун, она тилимиз учун курашган, қон тўккан аждодларимиз қалб туғёнларини чуқурроқ тушуна бошладик.

Бугунги машғулотимиз Истиқлол ҳақида, Ватан меҳри ҳақида, тилимиз ҳақида, озодлик ҳақида.

**Ақлий ҳужум:** Қани айтинг-чи, истиқлол ўзи нима?

Ўқувчилар ёдларига келган дастлабки тушунчаларни баён эта бошлайдилар. Бу сўзлар доскага ёзиб борилади: озодлик, Ватан меҳри, миллат равнақи, тараққиёт, фаровонлик, бахт, саодат ва ҳақазо.

**Англаш:** Айтилган фикрлар тартибга солинади ва асосийлари тавсифланади.

**Гуруҳларда ишлаш:** Ўқувчилар 4 ёки 5 гуруҳга бўлинади. Ҳар бир гуруҳга биттадан мавзу берилади ва вақт белгиланади. Масалан: "Эрк", "Ватан", "Фидойилик", "Тил" ва ҳақазо. Берилган мавзу бўйича ўқувчилар ўқиганлари, билганларини ёдга оладилар, синфда мавжуд бўлган, ўқитувчи томонидан тайёрланган бадиий адабиётлар ҳикоятлар, замонавий ҳамда тарихий воқеаларни акс эттирувчи китоблардан фойдаланиб, ўз мавзулари мазмун-моҳиятини очадилар.

Бунда "Туркий гулистон ёхуд аҳлоқ" асарида айтилганидек, нима учун "...араблар Арабистоннинг иссиқ қумликларини, эскимослар энг совуқ, қор ва музлик ерларини бошқа ерлардан зиёда суярлар...", бунга сабаб нима эканлиги, Ватан устида хавф-хатар пайдо бўлганда Широқ, Тўмарис, Спитамен, Маҳмуд Торобий, Темур Малик, Номозга ўхшаган халқнинг номусли фарзандлари жон фидо этганликлари каби далиллардан фойдаланиш ва гуруҳлардаги ҳар бир ўқувчи ўзининг энг яхши саволи ва жавобини тайёрлаши талаб этилади.

**Мавзу ҳимояси:** Мавзу ҳимоясида гуруҳдаги ўқувчилар томонидан тайёрланган энг яхши жавоблар ва саволлар ҳавола этилади. Мавзу ҳимояси учун қуйидаги тарихий воқеадан фойдаланиш ва баҳс-мунозара ўтказиш мумкин.

"Қудратли империя ҳисобланган Хоразмшоҳлар давлатида мансабпарастлик, манманлик, кибру ҳаво, бойлик кетидан қувиш авж олди. Сохта шуҳрат Хоразмшоҳ кўзини кўр қилади. Унинг калтабинлиги натижасида мамлакат ғорат бўлди. Уни балолардан огоҳ этмоқчи бўлган олиму фузалоларни таъқиб этди. Ипак йўли ўтган Хоразмга келган мўғул савдогарлари карвонини талаганларни қўллайди, элчиларни ўлдиради. Ҳатто Нажмиддин Кубронинг истеъдодли шогирди Мажидиддин Бағдодийни қатл эттиради. Шунда Нажмиддин Кубро мамлакат таназзулга учраганини башорат қилади ва шогирдларига: "Энди юртингизга боринг. Шарқдан фитна олови келмоқда, кўп ўтмай у ҳамма ёқни куйдириб кул қилади. Тарихда бундай офат бўлган эмас", дейди. Шогирдлари: "Устод, дуо қилинг, бу офат мусулмон оламидан даф бўлсин, ахир, Сизнинг дуоингиз ҳар доим ижобат бўлгай-ку", дейишади. Бунга жавобан ҳазрат: "Бу казои мубрам (ўзгармас)дир. Уни дуо билан қайтариб бўлмайди. Бу Парвардигорнинг гуноҳкор бандаларига юборган азми жазосидир", дейдилар.

Ундай бўлса Сизни ҳам олиб кетайлик, дея илтижо этишади шогирдлар. Ҳазрат қатъий: "Мен бу жангда шаҳид бўламан, менга Хоразмни тарк этишга рухсат йўқ. Киндик қонимиз шу ерга тўкилган, шу ерда туғилдик, шу ерда ўламиз", дейди ("Нафохотул унс", 405-бет).

Башорат қилинган офат машриқдан мўғул босқинчиси қиёфасида бостириб келиб, гуллаган ўлкани вайронага айлантирди.

Чингизхондай шафқатсиз бир ҳоқон ҳам Нажмиддин Куброга ўз яқинлари билан шаҳардан ташқарига чиқиб кетишга рухсат беради. Шайх бу марҳаматни рад этади. Хоразмшоҳ ва бошқа нафс бандаларни ташлаб қочган Ватан ҳимоясига ундан марҳамат кўрмаган пок имонлилар ва уларга бош бўлиб 76 ёшли Нажмиддин Кубро қилич кўтариб чиқди. Улар бир неча кун Урганч қалъасини душмандан сақлаб турдилар. Алишер Навоийнинг ёзишича, Нажмиддин Кубро бир ҳамлада душман байроғини тортиб олган ва ўлганидан кейин ҳам уни бўшатмаган. Ўн нафар ёғий ҳарчанд уриниб байроқни ололмаганлар. Шунда шаҳид Шайхнинг бармоқларини битталаб чопадилар.

**Ўқувчилар матн юзасидан шундай савол тузишлари мумкин:**

1. Мўғул босқинчилари ҳужуми тўғрисидаги башоратни қандай тушундингиз?
2. Киндик қони тўкилган тупроқ билан инсон ўртасида қандай боғлиқлик бор?
3. Нажмиддин Кубро ўз яқинлари билан шаҳардан чиқиб кетса бўлмасмиди?
4. Нажмиддин Кубродаги бундай қудрат нимада деб ўйлайсиз?..

Жавоблар бошқа гуруҳ ўқувчилари томонидан тўлдирилиши, инкор этилиши ёки янгиланиши мумкин. Фикрлар халқимизнинг энг чиройли сўз ўйинлари, мақол, матал, шеърий мисралар, буюк кишиларнинг ҳикматларидан кўчирмалар келтирилиб, зийнатланади. Ҳар бир гуруҳ ўз мавзусини шу тариқа ёки бошқа усулларда ҳимоя қилиши мумкин.

Гуруҳлардаги ўқувчилар фаоллигига ва билимдонлигига қараб баҳоланади ва машғулот якунланади.

**Н.ГУЛОМОВА,**
**РТМ Давлат тили бўлими бошлиғи**

# "ГУЛИСТОН"НИНГ ЯНГИ СОНИ




*"Гулистон" журналининг янги сони нашрдан чиқди. Ушбу янги нашр аввалги ҳолатидан ўз ҳажми ва ранг-баранглиги билан тубдан фарқ қилади. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, журналнинг янги нашр савияси аъло даражада.*

*Журнални варақлар экансиз, унинг дастлабки саҳифасида Президентимиз И.А. Каримовнинг Мустақиллик, маънавият ва Ватан ҳақида билдирган фикрларини ўқийсиз. Сўнгра журнал бош муҳаррири Азим Суюннинг Мустақиллик ҳақидаги мақоласи ва мадҳи берилган.*

*"Таълимга эътибор — миллатга эътибор" сарлавҳаси остида эса Шуҳрат Орифнинг Олий ва Ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари, Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази раҳбари Жуманазар Ҳусанов билан суҳбати мамлакатимиз таълим тизимида бўлаётган ўзгаришлар ҳақида ўқувчиларга маълумотлар беради. Шунингдек, Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов томонидан ўзбек тилига ўгирилган доғистонлик буюк шоир Расул Ҳамзатов қаламига мансуб "Доғистоним" асари ҳамда ёзувчи Шукур Холмирзаевнинг "От йили" номли давомли қиссаси ҳам журнал саҳифасидан ўрин олган.*

*Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, журналда илмий оммабоп ва тарихий мақолаларга ҳам алоҳида аҳамият берилган. Булар жумласига Наим Каримовнинг "Ўзбек дивизиясининг тугатилиши" номли мақоласини киритиш мумкин. Мақолада ўзбек халқининг ажойиб фарзанди ва истеъдодли саркардаси Миркомил Миршаропов шахси ҳақида сўз юритилади. Мустақилликкача бўлган тасаввурларимизга кўра, М. Миршаропов "босмачилар"га қақшатқич зарба берган сиймо сифатида кўз ўнгимизда гавдаланар эди. Лекин ушбу мақола бундай тасаввурларни тўзитиб юборади. Бизнинг бу гапларимизга мисол тариқасида Наим Каримовнинг қуйидаги хулосасини келтиришимиз мумкин. "Миркомил Миршаропов ўз ватанининг мустамлакачилик кишанларига тобора ўралиб бораётгани, халқнинг эса қулларча меҳнат қилаётганини кўрган зукко саркарда эди. Шунинг учун ҳам у Ўзбекистонда миллий кадрлардан иборат армия тузмоқчи бўлган ва бунга қисман эришган. Балки Миркомил Миршаропов ҳаётининг ана шу юлдузли соатларида унинг ҳуррият ва мустақиллик ҳақидаги орзуси яшириниб ётгандир."*

*Хуллас, журнални варақлаган ҳар бир муштарий ундан олам-олам тасаввур олади.*

# САҲНА ВА ҲАЁТ

Санъат, хусусан, саҳна санъати инсон қалбига бетакрор туйғуларни, гўзаллик уруғларини сепиб, унинг маънавий дунёсини бойитувчи сирли бир ижод оламидир. Юртимиздан бу санъатнинг буюк устозлари етишиб чиқди. Уларнинг халқимиз маънавий ҳаётида тутган беқиёс ўринларини ҳеч қачон унутиб бўлмайди.




Ўзбек саҳна санъатининг бугунги кундаги улуғ дарғаларидан бири Ўзбекистон халқ артисти, Республика Давлат мукофоти соҳиби Баҳодир Йўлдошев ҳам қарийб 30 йилдан ортиқроқ давр мобайнида Ҳамза номли ўзбек академик театри, кейинроқ Аброр Ҳидоятов номидаги ёшлар драма театрида ижод қилиб, бетакрор спектаклларни саҳналаштирди. У ўзининг ажойиб истеъдоди билан ўзбек театри довруғини дунёга таратди. Ижодкорнинг Америка, Франция, Буюк Британия, Болгария, Лаос каби мамлакатларнинг турли театрларидаги шуҳрати юқоридаги фикримизни тасдиқлайди.

Яқинда филология фанлари номзоди Шуҳрат Ризаевнинг "Маънавият" нашриётида чоп этилган "Саҳна маънавияти" номли китобида ижодкорнинг санъат соҳасидаги фаолияти билан боғлиқ мақолалар жой олган. Муаллиф Б.Йўлдошев сиймосига чизгилар бериб, ўқувчиларни ижодкор қалби сари янада чуқурроқ киришга чорлайди.

Рисоладаги бошқа бир туркум мақолаларда муаллиф санъат, маънавият, инсон руҳий дунёси, жамият ва санъат каби қатор мавзулардан баҳс очади, уларни ҳозирги давр талабидан келиб чиқиб шарҳлайди.

–Мен театр дунёсининг турфа синоатлари билан яқинроқ танишганим сари, унинг кечмишларини, хусусан, Оврупача турдаги миллий театримиз туғилиши, саҳна адабиётининг сарчашмаларини билиш эҳтиёжи шу қадар зўрайиб борди,–дейди муаллиф ва миллий театримизнинг туб негизига, илдизларига теран назар солади.

Ўзининг матбуотдаги қатор чиқишлари билан танилган адабиётшунос ва танқидчи Ш.Ризаевнинг илмий жиҳатдан пухта ва услуб жиҳатдан публицистик жўшқин тилдаги китоби ўқувчиларни мушоҳадага ундайди.

**Фаррух БЎТАЕВ**




# ЎЗБЕК КУРАШИ ДОВРУҒИ

Бугун жаҳон назарига тушиб, довруғ ва шуҳрат қозонаётган, миллионлар оммасини ўзига маҳлиё этаётган Ўзбек Кураши ҳам ўтмиши буюк халқ маънавий қадриятларидан бири сифатида ўзининг чуқур илдизларига эга.

Илдизлари теран дарахт бақувват бўлади, узоқ умр кўради. Томирига болта урилса ҳамки иккинчи бир жойидан униб чиқади, яшашда давом этаверади. Ўзбек Курашининг илдизлари ҳам чуқур кетган, тарихи олис мозийга бориб тақалади. Курашимиз асрлар мобайнида мардлик, инсонийлик фалсафасини тарғиб қилиб келган.

Шунга қарамай, Ўзбек Курашига панжа орасидан қаралган, бобомерос санъатимиз таҳқирланган замонлар ҳам бўлди. Бироқ у халқнинг кўнглида, тўйларида яшашда давом этаверди. Мустақиллик даврида Президент Ислом Каримов раҳнамолигида курашимиз барҳаёт миллий қадрият даражасидан халқаро майдонда тан олинган, қаддини ростлаган оммавий спорт турига айланди. Албатта, эътибор қозониш ўз-ўзидан бўлгани йўқ.

Яқинда ана шу жараёнларни ўз ичига олган китоб "Ўзбек Кураши довруғи" номи билан Абу Али ибн Сино нашриётида нашрдан чиқди. Китобда Ўзбек Курашининг дунёга чиқиши, Осиё, Европа ва жаҳон чемпионатлари билан чамбарчас боғлиқ жараёнлар, дастлабки мусобақалар ҳақидаги маълумотлар, чет эллик ва ватандош етук мутахассислар эътирофлари ўз ифодасини топган.




# САМИМИЙ ТАНИШУВ — ДЎСТЛИК МАЁҒИ




**Гёте, Шиллер, Ҳайне сингари олмон мумтоз ёзувчиларининг ижодий мероси ўзбек китобхонларига маълум ва манзур. Аммо Нобель мукофоти совриндори Ҳермен Ҳессе ижодини Ўзбекистонда кам билишади. Замонавий олмон адабиёти тўғрисида ҳам шундай дейиш мумкин. Шу мезон асосида баҳолайдиган бўлсак, "Ўқитувчи" нашриётида чоп этилган "Танишув" номли шеърий тўплам алоҳида қимматга эгадир.**

**Тўпламнинг устунлик тарафи ҳозирги замон олмон шоирлари Ҳанс Магнус Энценсбергер, Урзула Крехел, Эрих Фрид, Дитер Веллерсхор, Вольф Бирманн каби шоирлар асарларининг руҳини сақлаган ҳолда ўзбекчага ўгирилганлигида. Китобчанинг яна бир устунлиги, матнлари олмон тилида ва ўзбекча таржималари билан берилганлигидир.**

**Шеърларнинг икки тилда берилганлиги, ўқувчини бу икки забонни бир-бири билан таққослашга ундайди.**

**— Қиёсий мутолаа ҳар бир китобхон учун маънавий бойиш йўлидаги манба бўла олади – дейди шеърларни таржима қилган Бахром Рўзимуҳаммад.**

**Шоҳрухбек ОЛИМ**

# БЕҒУБОР ДИЛ ИЗҲОРИ




Шеър ҳақида кўп таърифу тавсифлар айтилган. Биров уни ҳикмат дейди, биров эса ҳислар туғёни, кўнгил суврати. Булар бари рост ва мос сўзлар. Назаримизда шеър — бу кўнгил изҳори. Зеро, юракдан айтилган сўзгина юракларга кириб боради. Рамазон Бақоев шеърларини ўқир экансиз, юраккга бир илиқлик югуради. У ижодкор муаллим, Бухоро вилоятининг Ғиждувон туманидаги 9-мактабда сабоқ бериш билан бирга шеърлар ҳам ижод қилади. Яқинда эса унинг "Таъзим" деб номланган шеърий китоби нашрдан чиқди. Ушбу китобчани варақлар экансиз, содда, лўнда шеърларга кўзингиз тушади. Мана унинг ўша содда шеърларидан бири:

Шеърият– катта карвон
Шеърият улкан уммон,
Қаторингда бор бўлай
Бағрингда сузай яйраб.
Шеърият–буюк армон,
Шеърият–боғи жаҳон
Доим сенга ёр бўлай
Бағрингда турай сайраб.

Шеърият ҳақида самимий гап фақат беғубор қалбли инсон тилидангина айтилиши мумкин. Биз ижодкор муаллимга келгуси ижодида муваффақиятлар тилаб қоламиз.

## Terrorizm qiyofasi

# ГУМРОҲЛАРНИНГ ҚАЙТИШИ

### ёки "Ўзбекистон ислом ҳаракати" номини олган собиқ жангариларнинг фош этилиши

***Афғонистон муваққат ҳукумати раҳбарияти томонидан толиблар тарафида ҳарбий ҳаракатларда иштирок этганликда гумон қилиниб қўлга олинган етти нафар ўзбек фуқаролари Ўзбекистон ҳукуматига топширилган эди. Ўзбекистон Миллий хавфсизлик хизмати раҳбарияти журналистларнинг қамоққа олинган жангарилар билан тез фурсатда учрашувини ўтказишни лозим топди.***

***Собиқ "ислом жангарилари" матбуотчилар билан мулоқотда ўзларини "беозор адашганлар" қилиб кўрсатишга уринишди...***

### Андижонлик сермуҳаббатнинг уч хотини

Қаршимизда биринчи бўлиб ёш, кўркам йигит турарди. Қашқадарё вилоятида икки нафар фарзанди билан аёлини қолдириб кетган бу йигит Туркия ва Афғонистонда яна икки бор никоҳдан ўтишга ҳам улгурган.

*Суҳбатдошимиз ҳақида:* Қудратов Ҳамидулла Ғуломович, 1969 йил 25 майда Андижон вилояти Балиқчи туманида туғилган. 1987 йилда Қашқадарё вилояти Ғузор туманидаги Пушкин номли 1-ўрта мактабни тамомлаган. 1987-89-йилларда Ленинградда Ҳарбий ҳаво кучлари таркибида ҳарбий хизматни ўтаган. Кейин ҳайдовчи бўлиб ишлаган, Тошкент политехника институтининг энергетика факультетида сиртдан таҳсил олган. 1999 йилга қадар киракашлик қилиб, Қашқадарёда турмуш ўртоғи ва икки нафар қизи билан яшаб келган. 1999 йил 5 январда Ўзбекистондан чиқиб кетган.

Тарки дунё қилиб, ўзини ислом халифатини тузишга бахшида этган "ислом жангчиси" ҳақидаги тасаввурлар пуч бўлиб чиқди. Ҳамидулла тўкинлик ва қулайликни ёқтирар эди. Уни биринчи хотини кейинги тўрт йил давомида қандай ва нима эвазига яшагани заррача ҳам безовта қилмаган. У Туркияда ўзи билан турмуш қурган чечен аёли 17 ёшли Хава билан ҳам ҳеч бир афсус-ачинишларсиз ажрашган. Учинчи аёли — Манзура Карачида ёшига етмаган қизалоғини қучганича қолиб кетди.

Ўзбекистондан чиқиб кетишга уни нима мажбур қилгани ҳақидаги саволга Ҳамидулла маҳаллий прокуратура томонидан эътиқоди учун таъқиб этилганини пеш қилди.

Эмишки, улар фақатгина намоз ўқишган, рўза амалларини адо этган, 10-20 чоғли йигитлар йиғилиб диний мазмундаги магнитофон тасмаларини эшитишган. Прокуратурага икки марта ташриф буюргач Адҳам исмли акаси Тошкентга зудлик билан чақиртиради ва гўё қамоқ ва ноҳақ судланишдан қутулиб қолиш учун мамлакатни тезда тарк этишга мажбурлайди.

Унинг сўзларига кўра, ўзи режалаштирганидек, Самарага келиб бизнес билан шуғулланганида ҳаммаси кўнгилдагидек бўлиши мумкин эди. Бироқ, бунинг ўрнига у Самара-Волгоград-Доғистон-Чеченистон йўналиши бўйича тўппа-тўғри Сержень-Юртдаги жангарилар тайёрлаш лагерига бориб тушади.

30 ёшли эркакнинг Урганчдан қандайдир исми номаълум бўлган йўлдоши билан Самарага кетаётганлигини билмаганлигига ишониш қийин...

Лагерда Қудратовдан Ўзбекистон фуқароси паспортини олиб қўйишади ва Россия фуқароси паспортини берадилар. Шундай қилиб у Умаев Ҳасан, 1979 йилда Ичкерия республикаси Нав туманида туғилган чечен миллатига мансуб шахсга "айланади". Ҳужжатларни алмаштириб, янги аскар ўзига хос "Ёш жангчи" курсини ўтайди — Чечен миллатига мансуб Абдулла исмли инструктор раҳбарлигида турли ўқ отувчи қуроллардан фойдаланишни ўрганади.

### Янги исм билан

Паспорт бўйича "чечен" бўлган Ҳамидулла — Ҳасан ўзини ҳақиқий мужоҳиддек тутди. 1999 йил август-сентябрь ойларида у Ҳаким исмли араб бошчилигидаги 350 кишилик жангарилар гуруҳи таркибида Ботлиҳ (Доғистон) шаҳрида жойлашган Россия қуролли кучлари ҳарбий қисмига ҳужум қилади. Лекин у ушбу иккинчи чечен урушида ўн кун давомида фақат ҳарбий ҳаракатларни видеотасмага тушириш билан шуғулланганини изоҳлайди. Бахтсиз "оператор"нинг омади чопмайди. Ярадор бўлиб, Грозний шаҳрида операция қилинади. Кейин Тбилисининг марказий касалхоналаридан бирида бир ой давомида даволанади.

Умуман, сабиқ-жангарининг айтишича, сертармоқ халқаро террорчилар тизимида одамларни бир мамлакатдан бошқасига ташиши аниқ йўлга қўйилган. Ҳар бир мамлакатда уларни махсус тайинланган кишилар кутиб олишади. Жойлаштиради, моддий таъминлашади.

Шундай қилиб, Грузияга осонгина ўтиб олгач, Ҳамидулла кейинчалик ичида 10 нафар аёл ва 15 нафар ярадор бўлган автобусда Туркияга ўтказиб юборилади. Истанбулдаги "Эсенлар ансар" касалхонасида даволанади (жароҳатдан ташқари уни ревматизм касали ҳам безовта қиларди. Тоғда туғилиб ўсмаган Ҳамидуллага осон бўлмади — оёқлари шишиб, юра олмай қолди).

Журналистларнинг: "чечен компаниясини сизнингча, ким маблағ билан таъминлаб келган?" — деган саволига Қудратов — "кўпчилик, лекин асосий ёрдам Туркиядан келарди", — дея жавоб берди. У айрим ОАВнинг "солдатларга омад" деган маош ҳақидаги хабарларини рад этди. Гўё кийим-кечак бериб, едириб-ичириб, зарур бўлганда даволашибдию, маош ҳақида сўз ҳам бўлмаганмиш. "Биз ёлланган малайлар эмасдик, Оллоҳ йўлида жанг қилганмиз", — дея таъкидлайди у. Жангарилар билан наркотик истеъмол қилганини рад этди ва унинг ўзи ҳам наркоманга ўхшамас эди.

Айтганча, умуман пулсиз жароҳатларини даволатиб олган жангари барибир тинчимади. Туркияга келган вақтда Истамбулда бир "ІНН" меҳр-мурувват ташкилоти унга моддий ёрдам сифатида 3,5 минг АҚШ доллари беради. Бу пуллар унга ишламасдан ҳам яшаб туришга етарди. Ҳамидулла Туркияга келиб тўққиз ой ичида оилали ҳам бўлиб олди.

Фақатгина, андижонлик қаҳрамонимизнинг "жангоҳ саргузаштлари" яна яқинлашаётганди. У ўз оиласи — "қаҳрли кунларда топишган дугонаси" Хава билан Чеченистонга кетди.

Балки, суҳбатдошимизнинг қалбида айнан ўша пайтда Ватан соғинчи ҳисси уйғонгандир. Унинг айтишича, қисқа фурсатга ва ноқонуний тарзда бўлса ҳам уйга бирров кириб чиқиш ишқида Афғонистонга боришга қарор қилади. Жангарининг таъкидлашича, у ўшанда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан қўли қонга ботиб улгурмаган шахсларни авф этиши ҳақидаги эълонни эшитмаган. Лекин мантиқан олиб қараганда у эшитган бўлиши керак. Чунки бу масала "Америка овози" ва "Би-Би-Си" радиостанцияларида етарлича узоқ муддат муҳокама этилган. Акс ҳолда жазодан қўрқмай қолган ва қайтиш ҳақида ўйлаб юрган "қаҳрамон"имиз кайфиятидаги танаффусни қандай тушуниш мумкин?

### Афғонча интиҳо

Толибларга элтувчи йўл узоқ ва кўп босқичли эди. Ҳамидуллани дастлаб самолётда Боку шаҳрига жўнатишди, у ердан Эроннинг Машҳад шаҳридаги ўзбеклар (дафтар) лагерига ўтказишди. Кейинчалик таксида Ҳиротгача ва у ердан ниҳоят Қобулга. Афғонистон пойтахтида "Ўзбекистон Ислом ҳаракати" номини олган ноқонуний ташкилот бошлиғи Тоҳир Йўлдошевнинг ўзи Қудратовни қабул қилишга лойиқ топиб, "сийлади".

Пинҳона бориб ўз оиласини кўриб келиш ҳақидаги илтимос эса совуққина қабул қилинди ва Йўлдошев унга оиласини шу ерга келтириб беришни ваъда қилиб, беҳуда таваккал қилмасликни маслаҳат беради.

Кейинчалик англашилдики, ўзбек исломчилари раҳнамосининг ҳам имкониятлари чексиз эмас экан — Қудратовнинг оиласи Қобулга олиб келинмади, аксинча унда "ҳар эҳтимолга қарши" сўнгги чора сифатида қолган Россия фуқароси паспорти ҳам мусодара қилинди. Жангда яраланган "ислом жангариси"га ўзини таҳқирланган ҳисобламаслиги учун ҳайдовчилик, нонвойлик ёки ғазначилик ишларини таклиф қилишади. Бошқа юмушлар ҳадеганда топилавермагач, Қудратов Мозори-Шарифдаги "Ўзбекистон ислом ҳаракати" деб ном олган ноқонуний ташкилотнинг ҳисобхонасида ғазначи бўлиб ишга жойлашади.

Меҳмондўст юртдошлари унга оила қуришида ёрдам беришади — бу ерда у асли Навоий вилояти Кармана шаҳрида туғилиб ўсган, 1999 йилда онаси, опаси ва поччаси билан Афғонистонга чиқиб кетган Манзура Шодиевага уйланади. Ғазначи янги оиласи билан яшаб, муҳтожлик нималигини билмади. Унинг сўзларига кўра, фақат кассадан узоқ кета олмасди, ҳазинани қаттиқ ва ишончли қўриқлар эди. Жангарилар ва уларнинг оиласини қабул қилиб олиш, озиқ-овқат, даволаш ва шунга ўхшаш эҳтиёжлар учун ажратиладиган маблағлар жуда қаттиқ назорат қилинарди.

Қудратовнинг ҳарбийча толеи яна кулиб боқавермади. Бу гал Америка ҳарбий операциялари ҳалақит берди. Толиблар армияси билан чекиниб бориб Ҳамидулла Покистонга ўтиб олди. Лекин бу ерда у яширинишга улгурмади.

2002 йил 23 майда уни Покистон полицияси қўлга олади, 6 июнда эса уни Америка ҳукуматига топширади...

### Жиянини излаб бўрилар уясида

Бизнинг иккинчи суҳбатдошимиз, Фарғона вилояти Тошлоқ тумани Конизар қишлоғидан 37 ёшли Илҳом Мамажонов, ўзининг "тоққа" чиқиб кетишини бирмунча ҳақиқатга яқин тарзда ифодалайди — Баҳром исмли жиянини тўғри йўлга солиш мақсадида қидириб борган. "Устоз" 1997 йил майда Тожикистонга кетади ва роппа-роса беш йилдан сўнг — 2002 йил майда уйга қайтади. Афғонистон муваққат ҳукумати уни мамлакатимиз ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига топширади.

Албатта, Илҳом Мамажонов ёши улуғ инсон сифатида жангарилар лагеридан жиянини қўлидан тутиб, шунчаки олиб кета олмаслигини англаб етган. Ягона умид — биргаликда қочиш. Бошланишида ҳаммаси жойида эди — қишлокдошлар гуруҳи таркибида Илҳом Шоҳимардон шаҳридан тоғлар ошиб қирғиз овулларигача етиб келади, у ердан бир неча рус олимлари ишлаётган метеостанцияга ўтади. Улар озиқ-овқатдан бироз ёрдам қилиб, Жирғатолга элтувчи йўлни кўрсатиб юборади. Саккиз кун йўл юрганларидан сўнг гуруҳ Бирлашган тожик оппозицияси дала қўмондонининг жангарилари томонидан тўхтатилади. Уларда зарурий мактуб ("зина хати") йўқ эди. Шундай бўлса-да, улар тоғли қишлоқ — Хоитга юборилади. Хоитдаги "Ўзбекистон ислом ҳаракати" деб ном олган ноқонуний ташкилотнинг лагерида Илҳом жангариларнинг ўша кезлардаги бошқа раҳбари Ж.Ҳожиевнинг шахсий ҳайдовчиси бўлиб ишлаётган жияни билан учрашади. Қариндошлар қочишга қарор қилади, бироқ бу вақтда Мамажоновни унинг гуруҳи билан бирга Тавилдарадаги бошқа лагерга ўтказиб юборишади. "Янги"ларни бир неча сутка ушлаб туришгач қишлоққа кириб чиқувчи йўлларни тожиклар билан бирга қўриқлашга қўйиб, синаб кўрадилар. Барибир уларга ишонишмайди — кейинроқ Қорамой қишлоғида 3 йил ушлаб туришади. Бу даврда улар қишлоқ хўжалиги юмушларига жалб этилади, камдан-кам ҳолларда тожик жангарилари кузатувида ўшанда фаолият олиб борган БТО тасарруфидаги чегара ҳудудларида ҳужжат текшириш ишларига қатнашадилар.

Тоғларда юриб Мамажонов бандитлар бошлиғининг ишончини қозонади. Уни тошлоқ олтилиги командирлигига тайинлашади. 1998 йил ёзида у жияни Баҳром Ж.Ҳожиевнинг ўринбосарларидан бири — Саймиддинни отиб, лагердан қочишга эришганмиш деб эшитади. Шунингдек, уйга қайтишни хоҳлаб қолган 17 нафар йигит "Ўзбекистон ислом ҳаракати"нинг қандайдир Абдулазиз деган командири буйруғига биноан отиб ташланганидан хабар топади. Суҳбатда у бу фактни қуйидагича изоҳлади: "Бу йигитларнинг қўмондонлар билан диний масалада фикрлари мос келмай қолади, узоқ тортишадилар. Кейин кетамиз, деган талаб қўйишади. Қуролларни топширишади ва кетишади. Ж.Ҳожиев ўшанда Афғонистонда эди, ўрнида Абдулазиз қолган эди. Айнан у кетганларни қувиб етиш ва йўқ қилиш ҳақида буйруқ беради. Бу воқеа юзасидан каттагина жанжал бўлган. Шариат қонунлари бўйича суд иши кўрилган, лекин фақат 4 ижрочинигина муҳокама этишган. Улардан бирини, Ж.Ҳожиевнинг акаси Билолни унинг ўзи жавобгарликдан олиб қолган. Ҳа, уларни рамзий суд қилишди — уч ой қамоқ жазоси тайинланди. Яна ўлдирилганларнинг қариндошлари ҳун олиш талаби билан чиқиши ёки пуллик жарима ундиришига рухсат берилди".

2000 йил Мамажонов гуруҳ таркибида "Коммунизм" чўққисидан 20 км. наридаги Пашмигарм қишлоғига ташланади. У ердан 20-30 чоғли учта жангари гуруҳларга бўлиниб топшириқни адо этишга кетишади. "Озодлик" радиосидан Ўзбекистоннинг Тошкент ва Сурхондарё вилоятларида, Қирғизистоннинг Боткен туманидаги ҳарбий ҳаракатлар ҳақида эшитиб, бу ўзларининг иши эканлигини тахмин қилади. Унинг фикрича, Сурхондарёда "Абдулазиз"нинг гуруҳи, пойтахт вилоятининг Бўстонлиқ туманида "Маҳдий", Боткенда эса"Абдураҳмон" гуруҳлари ҳаракат қилган. Унинг сўзларига қараганда, Пашмигармдаги учта гуруҳдан фақат Абдураҳмоннинг жангарилари 12 та қурбон бериб қайтиб келишган, бошқалар базага қайтиб келишмаган. 2001 йил январда "Ўзбекистон ислом ҳаракати" дея ном олган ноқонуний гуруҳ билан бирга И.Мамажонов Афғонистонга толибларга ёрдам бериш учун жўнаб кетди. Суҳбатдошимнинг айтишича, уларни чегарадан рус миллатига мансуб учувчилар вертолётларда олиб ўтиб қўйишган. "Улар Россия ҳарбийлари эмасми-ди", деган саволга Мамажонов — "йўқ, ҳар ҳолда улар Тожикистон Фавқулодда вазиятлар хизмати вакилларига кўпроқ ўхшарди", дея жавоб берди. Афғонистондаги уруш ҳаракатлари ҳақида гапира туриб, у жангда қатнашмаганини таъкидлади. Гўё ўзбекларга фақат Шимолий алянс ва толибон қўшинлари ўртасидаги постларда туришнигина ишонишган. Умуман, шундай бўлиши мумкин. Лекин экс жангари оёғидан олган жароҳати борасида ҳақиқатга тўғри келмайдиган кўрсатмаларни берди. 2001 йил ноябрда Қундузни тарк этиш ҳақидаги буйруқдан сўнг толиблар шошилинч чекинади. Ўзбек жангчиларини Тоҳар вилоятига олиб кетаётган машинани йўлда араб патруль хизмати тўхтатади. Тилни тушунмаган Мамажонов ёнидаги шеригига "нима деяпти?", дея мурожаат қилади. Шу лаҳзада араблар уларнинг узун кўйлакларидан Шимолий алянс жангчиларига ўхшатишиб, ўқ уза бошлайди. Гўёки, ана шу отишмада у оёғидан ярадор бўлганмиш. Бунга ишониш қи-йин. Негаки, толиблар олачипор кийимли армияга эга бўла туриб ўзиникиларни бегоналардан ажрата олмаслиги мумкинми? Ҳар ҳолда улар бегоналар билмайдиган пароллар тизимига ишонишарди.

Шу йил 28 майда марҳаматли оғанинг қаҳрамонона юриши интиҳо топди — у ушланиб, қуролсизлантирилди ва белгиланган тартибда Ўзбекистон ҳукуматига топширилди.

* * *

Терговдагилар билан учрашув иккита оғир таассурот қолдиради, кишида. У ҳам бўлса, қаровсиз қолган оилалар, дарз кетган тақдирлар юзасидан соф инсоний ачиниш ҳиссини изҳор этиш. Лекин суҳбатдошларимнинг носамимий тазарруларини эшита туриб, (улар ўзларини охиригача эшитишларини, ҳис қилишларини ва гуноҳидан ўтишларини илтижо қилаётгани гапларидан маълум) барибир ягона тўхтамга келаверасан — улар ўз эътиқодларини ўзгартирмаганлар, шунчаки "вақти-соати етгунча" яширишмоқда, холос...

**Бобурбек ҚУДРАТОВ**
**("Правда Востока" газетасининг 2002 йил 13 август сонидан таржима).**

# РЕЙТИНГ ТИЗИМИГА БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ЎТИЛАДИ

*Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2001 йил 14 сентябрдаги “Умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчилар таълим тайёргарлиги даражаси рейтингини жорий этиш бўйича олиб борилаётган ишларни янада такомиллаштириш ҳақида”ги 133-сонли буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида, 2001-2002 ўқув йили давомида, муайян ишлар амалга оширилди.*

*Мазкур буйруқ билан тасдиқланган меъёрий ҳужжатлар асосида ўқув жараёнига рейтинг тизимини оммавий равишда босқичма-босқич жорий этиш бўйича дастлабки тайёргарлик ишлари амалга оширилди. Шу жумладан: жойларда вақтинчалик ижодий жамоалар шакллантирилиб, ҳудудий тажриба-синов майдончалари ташкил этилди, уларнинг мутахассислари учун керакли ўқишлар (турли хил семинарлар, давра суҳбатлари, тажриба алмашувлар) ташкил этилди, маслаҳатлар берилди. Республика тажриба-синов майдончаларида ишлаб чиқилган рейтинг материаллари ҳудудий тажриба-синов майдончаларига етказилиб, ўқув йили давомида синовдан ўтказилди.*

*Ҳудудлардаги қолган мактабларнинг маъмурияти ҳамда бошланғич синф ўқувчилари учун, уларни рейтинг тизими билан чуқурроқ таништириш, тажриба-синов майдончаларида тўпланган тажрибаларни ўрганиш мақсадида семинарлар ва ўқув машғулотлари ўтказилган.*

*Таҳлилларнинг кўрсатишича, юқорида айтилган ишлар Сирдарё, Андижон, Бухоро, Фарғона, Самарқанд вилоятларида нисбатан муваффақиятли, ташаббускорлик ва ижодкорлик билан амалга оширилмоқда.*

*Бироқ бу билан ўқувчилар билим даражаси рейтингини янги ўқув йилидан бошлаб мактаблар ўқув жараёнига оммавий равишда жорий этиш учун жойлардаги тайёргарлик ишларини етарли даражада амалга оширилган, деб бўлмайди.*

*Шу боис мазкур йўналишдаги ишларни янада фаоллаштириш, тажриба-синовнинг биринчи босқичи якунлари асосида уларнинг мазмунига аниқлик киритиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2002 йил 9 августида “Ўқитувчиларнинг таълим тайёргарлиги даражасини баҳолашда кўпбаллик рейтинг тизимига босқичма-босқич ўтиш ҳақида” 121-сонли буйруғи қабул қилинди.*

Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2001 йил 14 сентябрдаги “Умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчилар таълим тайёргарлиги даражаси рейтингини жорий этиш бўйича олиб борилаётган ишларни янада такомиллаштириш ҳақида”ги 133-сонли буйруғининг ижроси юзасидан олиб борилаётган тажриба-синов ишлари ўрнатилган тартибда давом эттирилиши назарда тутилган ҳолда, мазкур буйруқ билан синовдан ўтказиш учун тавсия этилган “Умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчилар таълим тайёргарлиги даражаси рейтинги тўғрисида”ги Низом мактабларнинг ўқув жараёнига оммавий равишда жорий этиш учун тасдиқланди.

Ўтказилган тажриба-синовлар натижалари асосида “Рейтинг тизимини ўқув жараёнига босқичма-босқич татбиқ этиш механизми”га аниқликлар киритилди ва унинг янги таҳрири тасдиқланди. Сиз мақола сўнггида берилган жадвал орқали ушбу механизм билан батафсил танишингиз мумкин.

Шунингдек, ушбу буйруққа биноан Республика тажриба-синов майдончаларида ишлаб чиқилган ва умумий ўрта таълим мактабларининг 2-4-синфларида оралиқ назорат ўтказиш учун мўлжалланган мажбурий стандартли текширув иш(МСТИ)лар комплектлари ўтказилган кўп йиллик тажриба-синовлар натижалари асосида ўқув жараёнида қўлланиш учун тавсия этилиши билан бирга мазкур рейтинг моделини татбиқ этиш ва синовдан ўтказиш ишларини ташкиллаштириш ва мувофиқлаштириш мақсадида Вақтинчалик Ижодий Жамоа (ВИЖ)нинг янги таркиби тасдиқланди.

Ўқувчилар таълим тайёргарлиги даражаси рейтингини ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш бўйича Вақтинчалик Ижодий Жамоа раҳбари зиммасига эса:

— 2002 йил 10 августигача Республика тажриба-синов майдончаларида ишлаб чиқилган рейтинг материаллари комплектларини чоп этишга тайёрлаш учун уларнинг синовларида фаол иштирок этган ходимлардан ташкил топган ишчи гуруҳ тузилиши, рейтинг материаллари якуний экспертизадан ўтказилиши ва уларга керакли аниқликлар киритиш. Ишчи гуруҳ ишини ташкил этиш учун зарур бўлган чоралар кўрилиши топширилди. Бундан ташқари: — 2002-2003 ўқув йили бошлангунига қадар, мазкур рейтинг материаллари комплектлари вазирликнинг “Таълим тараққиёти” ахборотномасида чоп этилиши ҳамда ҳар бир мактабга етказишга қаратилган чоралар кўрилиши таъкидланди.

Дарсликлар ва ўқув ҳужжатлари бошқармаси (Р.Н.Отабоева)га умумий ўрта таълим мактабларини жорий этилаётган рейтинг тизимига мувофиқ бошланғич синфлар учун ишлаб чиқилган янги журналлар билан таъминлаш вазифаси топширилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари раҳбарлари, педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтлари ректорларига ҳам алоҳида кўрсатмалар берилди. Яъни: — 2002-2003 ўқув йилидан бошлаб тасарруфдаги барча умумий ўрта таълим мактабларида 2-4-синф ўқувчиларининг таълим тайёргарлигини баҳолаш жараёни “Умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчилар таълим тайёргарлиги даражаси рейтинги тўғрисида”-ги Низомда белгиланган тартиб ва талабларга мувофиқ амалга оширилишини таъминланиш ва:

— Янги ўқув йили бошлангунига қадар мактабларнинг барча бошланғич синф ўқитувчиларини мазкур Низомда белгиланган кўпбаллик рейтинг тизими талабларига мувофиқ ўқувчилар билимларини баҳолашнинг янги шакл ва усулларига ўргатиш ишларини амалга оширилиш кўрсатмаси берилди. Шу мақсадда, жойлардаги педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтларида, методкабинетлар ҳамда ҳудудий тажриба-синов майдончалари қошида тегишли қисқа муддатли курслар ташкил этилиши лозимлиги таъкидланди.

Шуни таъкидлаш лозимки, ўқувчилар билимини рейтинг тизимида баҳолаш тажриба-синов тариқасида олиб борилаётган бўлиб, жойлардаги олиб борилаётган тажриба-синовлар кўзланган натижаларни бермоқда.

ДТС талабларининг 2-8-синф-ларда бажарилишида рейтингнинг ушбу модели қўл келаётганлигини Сирдарё вилояти ДТС мониторинги бўлими ҳамда ХТВ томонидан ўтказилган ташқи мониторинг натижалари ҳам тасдиқламоқда.

Масалан, 2001-2002 ўқув йилининг I ярим йиллигида Сирдарё туманидаги 5-сонли мактаб 4-синф ўқувчиларининг она тили фанидан умумий ўзлаштириш самарадорлиги 90,1%ни, математика фанидан-92,9%ни ташкил этган. Шу ўқув йилининг якунлари бўйича ушбу мактаб ўқувчиларнинг умумий ўзлаштириш самарадорлиги 7-синфда физика фанидан 81,4%ни, 8-синфда миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари фанидан 83,6%ни, иқтисодий билим асосларидан 87,1%ни ташкил этди. 1-сонли мактабнинг 7-синфида умумий ўзлаштириш самарадорлиги эса она тилидан-91,2%, геометрия фанидан 93,1% даражасига етган.

Гулистон шаҳридаги 8-мактаб 4-синф ўқувчиларининг умумий ўзлаштириш самарадорлиги она тили фанидан 98,9 %ни, Ш.Рашидов туманидаги 21-сонли мактабнинг 7-синфларида мазкур кўрсаткич она тилидан 92,2%ни, 8-синфида она тилидан 92%ни; 22-сонли мактабнинг 8-синфида алгебрадан 88,1%ни, она тилидан 89,9%ни ташкил қилинганлиги аниқланди.

Мазкур мактабларда билим, кўникма ва малакаларни ДТС талабларига мос равишда ёки шу талабларга яқин даражада ўзлаштирган ўқувчилар сони бошқа мактабларга нисбатан кўпайганлиги, таълим минимумларини 70 ҳамда 80 фоиздан паст даражада ўзлаштирувчи ўқувчилар сони кескин камайган ёки деярли қолмаганлиги ташқи мониторинг жараёнида қайд қилинган.

Вилоятларда ўтказилган йиғилишларда ВИЖ аъзолари ва амалиётчи ўқитувчилар (айрим жойларда ота-оналар) ушбу рейтинг модели бўйича ўзларининг фикрларини баён этганлар. Мазкур хулосалар ва фикрларнинг асосийларини умумлаштирган ҳолда қуйида кўрсатиб ўтамиз:

— барча фанлардан 2-5-синфлар учун тайёрланган МСТИ комплектлари янги дастур асосида тузилганлиги, иш режаларининг берилиши, БКМларнинг рўйхатлари, улардаги аниқ балларнинг тақсимоти ўқитувчиларга анча қулайликлар яратганлиги;

— ўқувчилар ўртасида рақобатнинг пайдо бўлиши, уларнинг билимини ҳаққоний баҳолаш имкониятларининг пайдо бўлиши;

— рейтинг тизимининг мазкур модели механизми ҳар томонлама қулай ишлаб чиқилганлиги, ўқитувчи ва ўқувчилар учун қулайликлар яратилганлиги, барча фанлардан ДТС талабларини бажаришга имконият пайдо бўлиши;

— ўқув жараёнини ташкил қилишда илғор педтехнологияларни қўллашга қулайликлар яратилганлиги;

— ўқувчилар билимидаги мавжуд камчиликларни аниқ ҳисобга олиш ҳамда шу асосда, улар томонидан ўзлаштира олмаган БКМларни ҳар бир элементи бўйича тўлдириш механизмининг мавжудлиги;

— ўқувчиларнинг ДТСда белгиланган мажбурий таълим минимумларидан юқори бўлган билимларни олишга мослиги ва уларни аниқлашга мўлжалланганлиги;

— ўқувчиларнинг ижобий қобилиятларини аниқлаш ва ривожлантириш механизмининг мавжудлиги;

— ўқувчиларнинг ихтиёрий таълим фаоллигини, мустақил билим олиш кўникмаларини шакллантириш ва рағбатлантириш, таълим олишга қизиқишини уйғотишга йўналтирилганлиги ва бошқа бир қатор ўзига хос хусусиятлари ҳақида жойлардан олинган ҳисоботларда сўз юритилган.

**Андижон вилояти** бўйича тажриба-синов ишларига раҳбарлик қилувчи Методика марказининг директори А.Охунжонов якуний маълумотномасида экспериментатор ўқитувчилар номидан юқоридагиларга қўшимча тарзда қуйидаги хулосаларни келтирган:

Мазкур рейтинг тизими “Ўзбекистон Республикасида таълимий макон бирлигини таъминлашга қаратилган”;

“Ўқувчиларнинг ҳар бир қилган меҳнати инобатга олинади. Уларни келажакда қандай касб эгаси бўлиб етишишини аниқлашга хизмат қилади”;

“Ўқувчиларни ўз фикрига эга бўлиш қирраларини мустаҳкамлайди ва кенгайтиради”;

“Ўқувчиларнинг ихтиёрий таълим фаоллигини, мустақил билим олиш кўникмаларини шакллантиради, уларнинг диққат эътиборли, мулоҳазали ва иродали бўлишини таъминлайди” деб кўрсатган.

**Хоразм вилояти** Боғот туманидаги 1-сонли ўрта мактабининг экспериментатор ўқитувчилар раҳбари Б.Саъдулаев ҳамда мазкур мактаб директори Э.Рўзметовнинг фикрлари бўйича эса “Олдинги мувaққат Низомда оралиқ ва якуний назоратлар олинган куни узрли сабаб билан дарсларга қатнашмаган ўқувчиларнинг шу назоратларни қайта топшириш ёки шу назоратларда паст балл олган ўқувчиларга йўқотган балини қоплаш имконияти берилмаган эди. Янги Низомда эса оралиқ назоратда олинган МСТИлар учун тўлдирувчи баллар (билан ишлаш усули) кўзда тутилган бўлиб, ўқувчиларга юқоридаги имкониятлар берилган”.

**Бухоро вилояти** Когон тумани 1- сонли мактаб негизида ташкил этилган тажриба-синов майдончаси раҳбари, олий тоифали физика ўқитувчиси А. Жўраев ўзининг хулосасида қуйидаги фикрларни билдирмоқда:

“Умумий ўрта таълимда рейтинг тизими жорий этилиши муқаррар экан, демак унинг шундай бир вариантини танлаш лозимки, у биринчидан, таълим сифатини аниқлашга мос бўлиши, иккинчидан, уни ишга тушириш ва қўллаш технологияси мураккаб бўлмаслиги, учинчидан, қўлланилаётган рейтинг технологияси бир вақтнинг ўзида ўқувчи ва ўқитувчи фаолиятини баҳолаб бера олиши зарур.

Тажриба-синовга тавсия этилган «Ўқувчилар таълим тайёргарлиги даражаси рейтинги» варианти юқоридаги талабларга тўлиқ жавоб бера олади”;

“Таълим жараёнининг ўлчови сифатида ўқувчилар таълим тайёргарлиги даражаси (ЎТТД) рейтингининг умумий ўрта таълим (УЎТ)га оммавий равишда жорий этилиши мамлакат миқёсида УЎТ муассасаларида таълим-мазмунининг самарадорлиги ошишида кескин бурилиш ясайди ва шу билан бир қаторда таълим жараёнига таълим технологияларининг олиб кирилишига йўл очади. Рейтинг таълим технологиясининг элементи ҳисобланади ва рейтингнинг жорий этилиши технологиянинг қатор элементлари: таълим эталони, таълим ўлчови, диагностика, тузатиш киритиш, лойиҳалаштириш кабиларни қўллашга имкон яратади. Ушбу моделдаги ҳар бир МСТИлар “таълим бирлигининг эталони” ҳисобланади, унинг балланиши эса “таълим ўлчови”, тўлдирувчи топшириқлар, эркин сўровлар “тузатиш киритиш” (коррекциялаш) ва “тўлдириш” каби таълим технологияси элементларидир”;

“ЎТТД рейтинги таълим мазмунига қўйилган мақсаддан кафолатланган натижани олишни таъминлайди”;

“Ушбу модел ёрдамида табақалаштирилган таълимни амалга ошириш мумкин бўлади”;

“ДТС ўзининг ўлчами бўлган рейтинг билан биргаликда амалга оширилгандагина таълим мазмунининг мақсадларини таъминлай олади ва натижанинг кафолатли бўлишига эришади”;

“Умуман, юқорида чиқарилган хулосаларга асосланадиган бўлсак, ўқувчилар таълим тайёргарлиги даражаси рейтингда таълим аниқ ишланган, меъёрланган, таълим ўлчовлари билан белгиланган жараённинг технологик ишланмаси асосида кечади”;

“Бизнингча, ушбу моделни дадил жорий этишни бошлаш керак”. Бироқ эътироф этиш керакки, бу фикрларга норозилик ва эътирозлар билдирилган ҳолатлар ҳам мавжуд. Улар асосан буни “ўқувчига ортиқча ишни кўпайтириш” деб важ кўрсатадилар. Агар ўқувчига тайёр лойиҳа (режа) МСТИлари унинг элементлари бўйича балланиш берилса, у фақат амалга ошириши ва таҳлил билан шуғулланиши лозим бўлади. Яна бир муҳим томони шундаки, МСТИларининг ягоналиги таъминланса ва унинг натижалари олиниб таҳлил этиб борилса, туман, вилоят миқёсида таълим қай даражада эканлиги аниқланиб бориладИ. Мазкур ҳамкасбимизнинг хулосаси якунида таклиф берилмоқда.

Таҳлилларнинг кўрсатишича, рейтинг тизимини ўқув жараёнига жорий этиш бўйича юқорида кўрсатилган ишлар таъкидланганидек, Сирдарё, Андижон, Бухоро, Фарғона, Самарқанд вилоятларида нисбатан муваффақиятли, ташабускорлик ва ижодкорлик билан амалга оширилди.

Рейтингни таълим жараёнига татбиқ этиш билан боғлиқ асосий ишлар эндигина бошланмоқда. Қисқа вақт ичида ўқувчилар таълим тайёргарлигини баҳолашнинг мазкур янги технологияларини халқ таълими тизими ходимларининг ўзлари юқори даражада ўзлаштириб олишлари, унинг асосий ғоя ва хусусиятларини ҳар бир ўқувчи онгига етказиши, ота-оналар учун доимий равишда маслаҳат ва тушунтириш ишларини ташкил этиш лозим бўлади. Айни пайтда рейтинг материаллари комплектларини ва улардан фойдаланиш усулларини бойитиб бориш ҳамда такомиллаштириш давом эттирилади.

Шу билан бирга, “ўқувчилар таълим тайёргарлиги даражаси рейтинги”ни янги ўқув йилидан бошлаб мактаблар ўқув жараёнига оммавий равишда жорий этиш учун жойларда етарли тайёргарлик ишлари амалга оширилган деб бўлмайди. Мазкур йўналишдаги ишларни янада фаоллаштириш, рейтинг материалларини якуний экспертизадан ўтказиб, уларга керакли аниқликлар киритиш мақсадида, тажриба-синовнинг биринчи босқич якунлари асосида фаол иштирок этган ходимлардан ишчи гуруҳ тузиш ҳамда уларнинг ишини ташкил этиш учун зарур бўлган чоралар кўриш тавсия этилади.

**А. КАЛОНТАРОВ,**
**ЎзРХТВ ДТСМБ бошлиғи**

## *Ўзбекистон Республикаси мактаб ўқувчилари таълим тайёргарлиги даражасининг рейтингини таълим жараёнига татбиқ этиш механизми*

| Ҳудудий тажриба-синов майдончаларида | Барча умумий ўрта таълим муассасаларида |
|---|---|
| **I босқич (2001-2002 ўқув йили — дастлабки тайёргарлик босқичи)** | |
| *Бошланғич (2-4-синф) ва 5-синфларнинг ўқув жараёнига рейтинг тизими жорий этилади, тажриба-синов ишлари ўтказилади, натижалар асосида рейтинг материаллари комплектларига аниқликлар киритилади, ҳудуддаги қолган мактабларни таъминлаш мақсадида рейтинг материаллари комплектлари кўпайтирилади.* | *Мактаб маъмурияти, бошланғич (2-4-синф) ва 5-синф ўқитувчилари учун, уларни рейтинг тизими билан чуқурроқ таништириш, таянч мактабларда тўпланган тажрибаларни ўрганиш мақсадида семинарлар ва ўқувлар ўтказилади.<br>Янги 2002/03 ўқув йили бошигача мактабларнинг барча бошланғич синф ўқитувчиларини Низомда белгиланган кўпбаллик рейтинг тизими талабларига мувофиқ, ўқувчилар билимларини баҳолашда янги технологияга ўргатиш мақсадида жойлардаги педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтларида, методкабинетлар ҳамда ҳудудий тажриба-синов майдончалари қошида тегишли қисқа муддатли курслар ташкил этилади.* |
| **II босқич (2002-2003 ўқув йили)** | |
| *6-синфларнинг ўқув жараёнига рейтинг тизими жорий этилади, мазкур ва 5-синфларда тажриба-синов ишлари давом эттирилади, натижалар асосида рейтинг материаллари комплектларига тегишли аниқликлар киритилади, кейинги ўқув йилида ҳудуддаги қолган мактабларни рейтинг материаллари билан таъминлашга қаратилган тадбирлар амалга оширилади.<br>Ўқитиш ўзбек ва рус тилларидан бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларнинг бошланғич синфлари учун рейтинг материаллари тайёрланади.* | *Ўқитиш ўзбек ва рус тилларида олиб бориладиган мактабларда бошланғич (2-4 синф) синфларнинг ўқув жараёнига оммавий ҳолда рейтинг тизими жорий этилади.<br>Янги 2003/04 ўқув йили бошигача мактабларнинг барча 5-синф ўқитувчиларини Низомда белгиланган кўпбаллик рейтинг тизими талабларига мувофиқ ўқувчилар билимларини баҳолашда янги технологияга ўргатиш мақсадида жойлардаги педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтларида, методкабинетлар ҳамда ҳудудий тажриба-синов майдончалари қошида тегишли қисқа муддатли курслар ҳамда семинарлар ташкил этилади.* |
| **III босқич (2003-2004 ўқув йили)** | |
| *7-синфларнинг ўқув жараёнига рейтинг тизими жорий этилади, мазкур ва 6-синфларда тажриба-синов ишлари давом эттирилади, натижалар асосида рейтинг материаллари комплектларига тегишли аниқликлар киритилади, кейинги ўқув йилида ҳудуддаги қолган мактабларни рейтинг материаллари билан таъминлашга қаратилган тадбирлар амалга оширилади.<br>Ўқитиш ўзбек ва рус тилларидан бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларнинг 5-синфлари учун рейтинг материаллари тайёрланади.* | *Ўқитиш ўзбек ва рус тилларида олиб бориладиган мактабларда 5-синфларнинг, таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларда бошланғич (2-4 синф) синфларнинг ўқув жараёнига оммавий ҳолда рейтинг тизими жорий этилади.<br>Янги 2004/05 ўқув йили бошигача мактабларнинг барча 6-синф ўқитувчиларини Низомда белгиланган кўпбаллик рейтинг тизими талабларига мувофиқ ўқувчилар билимларини баҳолашда янги технологияга ўргатиш мақсадида жойлардаги педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтларида, методкабинетлар ҳамда ҳудудий тажриба-синов майдончалари қошида тегишли қисқа муддатли курслар ҳамда семинарлар ташкил этилади.* |
| **IV босқич (2004-2005 ўқув йили)** | |
| *8-синфларнинг ўқув жараёнига рейтинг тизими жорий этилади, мазкур ва 7-синфларда тажриба-синов ишлари давом эттирилади, натижалар асосида рейтинг материаллари комплектларига тегишли аниқликлар киритилади, кейинги ўқув йилида ҳудуддаги қолган мактабларни рейтинг материаллари билан таъминлашга қаратилган тадбирлар амалга оширилади.<br>Ўқитиш ўзбек ва рус тилларидан бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларнинг 6-синфлари учун рейтинг материаллари тайёрланади.* | *Ўқитиш ўзбек ва рус тилларида олиб бориладиган мактабларда 6-синфларнинг, таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларда 5-синфларнинг ўқув жараёнига оммавий ҳолда рейтинг тизими жорий этилади.<br>Янги 2005/06 ўқув йили бошигача мактабларнинг барча 7-синф ўқитувчиларини Низомда белгиланган кўпбаллик рейтинг тизими талабларига мувофиқ ўқувчилар билимларини баҳолашда янги технологияга ўргатиш мақсадида жойлардаги педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтларида, методкабинетлар ҳамда ҳудудий тажриба-синов майдончалари қошида тегишли қисқа муддатли курслар ҳамда семинарлар ташкил этилади.* |
| **V босқич (2005-2006 ўқув йили)** | |
| *9-синфларнинг ўқув жараёнига рейтинг тизими жорий этилади, мазкур ва 8-синфларда тажриба-синов ишлари давом эттирилади, натижалар асосида рейтинг материаллари комплектларига тегишли аниқликлар киритилади, кейинги ўқув йилида ҳудуддаги қолган мактабларни рейтинг материаллари билан таъминлашга қаратилган тадбирлар амалга оширилади.<br>Ўқитиш ўзбек ва рус тилларидан бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларнинг 7-синфлари учун рейтинг материаллари тайёрланади.* | *Ўқитиш ўзбек ва рус тилларида олиб бориладиган мактабларда 7-синфларнинг, таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларда 6-синфларнинг ўқув жараёнига оммавий ҳолда рейтинг тизими жорий этилади.<br>Янги 2006/07 ўқув йили бошигача мактабларнинг барча 8-синф ўқитувчиларини Низомда белгиланган кўпбаллик рейтинг тизими талабларига мувофиқ ўқувчилар билимларини баҳолашда янги технологияга ўргатиш мақсадида жойлардаги педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтларида, методкабинетлар ҳамда ҳудудий тажриба-синов майдончалари қошида тегишли қисқа муддатли курслар ҳамда семинарлар ташкил этилади.* |
| **VI - босқич (2006-2007 ўқув йили)** | |
| *9-синфларда тажриба-синов ишлари давом эттирилади, натижалари асосида рейтинг материаллари комплектларига тегишли аниқликлар киритилади, кейинги ўқув йилида ҳудуддаги қолган мактабларни рейтинг материаллари билан таъминлашга қаратилган тадбирлар амалга оширилади.<br>Ўқитиш ўзбек ва рус тилларидан бошқа тилларида олиб бориладиган мактабларнинг 8-синфлари учун рейтинг материаллари тайёрланади.* | *Ўқитиш ўзбек ва рус тилларида олиб бориладиган мактабларда 8-синфларнинг, таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларда 7-синфларнинг ўқув жараёнига оммавий ҳолда рейтинг тизими жорий этилади.<br>Янги 2007/08 ўқув йили бошигача мактабларнинг барча 9-синф ўқитувчиларини Низомда белгиланган кўпбаллик рейтинг тизими талабларига мувофиқ ўқувчилар билимларини баҳолашда янги технологияга ўргатиш мақсадида жойлардаги педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтларида, методкабинетлар ҳамда ҳудудий тажриба-синов майдончалари қошида тегишли қисқа муддатли курслар ҳамда семинарлар ташкил этилади.* |
| **VII босқич (2007-2008 ўқув йили)** | |
| *Ўқитиш ўзбек ва рус тилларидан бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларнинг 9-синфлари учун рейтинг материаллари тайёрланади.* | *Ўқитиш ўзбек ва рус тилларида олиб бориладиган мактабларда 9-синфларнинг, таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларда 8-синфларнинг ўқув жараёнига оммавий ҳолда рейтинг тизими жорий этилади.* |
| **VIII босқич (2008-2009 ўқув йили)** | |
| *Ушбу ўқув йилидан бошлаб Республикамиздаги барча таълим муассасаларининг ўқув жараёнига (2-9-синфларда) ўқувчилар билимини баҳолашнинг кўпбаллик (рейтинг) тизими тўлиқ жорий этилган бўлади.* | |

# Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув қўлланмаси муаллифи республика танловига келиб тушган адабиётлар рўйхати

| Т/р | Муаллифнинг И.Ш.Ф. | Адабиётнинг номи | Нашр йили | Тавсия қилган ташкилот номи |
|---|---|---|---|---|
| | **I блок—гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар.** | | | |
| 1. | Нурматов Х., Норхўжаев Н., Миррахимов А. | "Мусиқа" 2-синф учун дарслик | 2001 | ТДПУ |
| 2. | Нурматов Х., Норхўжаев Н., Миррахимов А. | "Мусиқа" 3-синф учун дарслик | 2001 | ТДПУ |
| 3. | Нишонова С., Мусурмонова О., Қаршибоев М. | "Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари" 7-синф учун дарслик | 2001 | ТДПУ |
| 4. | Қаршибоев М., Нишонова С., Мусурмонова О. | "Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари" 8-синф учун дарслик | 2001 | ТДПУ |
| 5. | Қаршибоев М., Мусурмонова О. | "Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари" 9-синф учун дарслик | 2001 | ТДПУ |
| 6. | Қирғизбоев А., | "Барқарор ва бардавом" | 2001 | ТДПУ |
| 7. | Бўронов Ж., Бўтаев Ш., Ирисқулов М., Рахмонбердиев К. | Инглизча-ўзбекча луғат | 2001 | УзДЖТУ |
| 8. | Гадоева М. И., Сайитова К. Ҳ. | "Инглиз тили" КҲК учун ўқув қўлланма, 1- ва 3-кисм | 2001 | БухООЕСТИ |
| 9. | Жўраев Н., Файзуллаев Т. | "Мустақил Ўзбекистон тарихи" дарслик | 2000 | НамДУ |
| 10. | Жўраев Н., Файзуллаев Т. | "Ўзбекистон тарихи" 11-синф учун дарслик | 2000 | НамДУ |
| 11. | Юсупбеков Н. Р., Балакирев В. С., Волкова М. Е., Гулямов Ш. М. | "Введение в оптимизацию" учебное пособие | 2001 | ТКТИ |
| 12. | Елина Н. П., Максудова Х. С., Касбекова С. А., Аминова С. К. | "Немис тили" ўқув қўлланма | 2001 | ТКТИ |
| 13. | Мадаев О., Собитова Т. | "Халқ оғзаки поэтик ижоди" КҲК учун дарслик. | 2001 | ЎМКҲТМ |
| 14. | Жумабоев М. | "Болалар адабиёти" КҲК учун дарслик | 2001 | УМКҲТМ |
| 15. | Отаров А. О., Алланазаров Ж. П. | "Есаплаў усыллары" дарслик | 2001 | Қорақалпоқ ДУ |
| 16. | Нигматов А. | "Ер хуқуқи" ўқув қўлланма | 2001 | ТДАгрУ |
| 17. | Умиров Х. И. | "Бадиий ижод асарлар" дарслик | 2001 | СамДУ |
| 18. | Ўринбоев Б.У. | "Хозирги ўзбек адабий тили" ўқув қўлланма | 2001 | СамДУ |
| 19. | Абдураҳмонов Н. | "Қадимги туркий матнлар юзасидан амалий машғулотлар" ўқув қўлланма | 2001 | СамДУ |
| 20. | Абдувалиев М. А. | "Ҳаммабоп инглиз тили" ўқув қўлланма | 2001 | АндДТПИ |
| 21. | Юсупова М. | "Диктантлар тўплами"методик ўқитувчилар қўлланма | 1996 2001 (2чи нашри) | ЖИДУ |
| 22. | Отамирзаева С., Юсупова М. | "Ўзбек тили" ўқув қўлланма | 2001 | ЖИДУ |
| 23. | Абдуллаева Қ., Юсупова М., Раҳмонбекова С. | "Одобнома" 2-синф дарслик | 2001 | ЖИДУ |
| 24. | Ҳожиев А., Нурмонов А., Зайнобидинов С., Кокрен К., Саидхонов М., Собиров А., Қуронов Д. | Ўзбек тили фаол сўзларини изоҳли луғати" дарслик | 2001 | АндДУ |
| 25. | Бегматова О. А., Хусанова Р. Р., Акчурина С. А., Азизова М. З. | "Қувноқ ҳарфлар" мактабгача таълим учун ўқув қўлланма | 2000 | РТМ |
| 26. | Хусанова Р. Р. | "Весёлые буквы" Мактабгача таълим учун ўқув қўлланма. | 2000 | РТМ |
| 27. | Хидоятов Г. А. | "Всемирная история" учебник для 10-классов | 2001 | РТМ |
| 28. | Ҳасанбоева О. | "Одобнома"1-синф учун дарслик | 2001 | РТМ |
| 29. | Толипова Р., Ниязова З., Мавлянова З. | "Русский язык" учебник для 4-классов | 2000 | РТМ |
| 30. | Мансуров А. Каримова Д. | "Мусиқа" 5-синф учун дарслик | 2001 | РТМ |
| 31. | Костецкий А., Тансикбаева Г. М., Асадова Э. С., Тошпўлатова Э. С., Аллаберганова Р.Ф., Ашрафхонова Ш. | "Конститутциявий ҳуқуқ асослари" 9-синф учун ўқув қўлланма | 2001 | РТМ |
| 32. | Костецкий А., Тансыкбаева Г. М., Асадова Э. С., Тошпўлатова Э. С., Аллаберганова Р.Ф., Ашрафхонова Ш. | "Основы конституционного права" 9-синф учун ўқув қўлланма | 2001 | РТМ |
| 33 | Костецкий А., Асадова Э. С., Тошпўлатова Э. С. | "Конститутциявий ҳуқуқ асослари" ўқитувчилар учун услубий қўлланма (9-синф) | 2001 | РТМ |
| 34. | Ҳидоятов Г. | "Жаҳон тарихи" 10-синф учун дарслик | 2001 | РТМ |
| 35. | Джураева З. Р. | "Русский язык" учебное пособие | 2001 | БухДУ |
| 36. | Воҳидов Г., Неъматов Ҳ., Маҳмудов М. | "Сўз бағридаги маърифат" ўқув қўлланма | 2001 | БухДУ |
| 37. | Балчи Б., Ибрагимов Х., Мансуров У. | "Ўзбекча-французча луғат" | 2001 | ЎДЖТУ |
| | **II блок — математик ва табиий фанлар.** | | | |
| 38. | Шоҳамидов Ш. Ш. | "Амалий математика унсурлари" ўқув қўлланма | 1997 | ТТЕСИ |
| 39. | Аҳмедов А., Тайлақов Н. | "Информатика" КҲК учун дарслик | 2001 | ЎМКҲТМ |
| 40. | Аминов С. Н., Тўйчиев Э. Т., Аристанбеков Р., Раҳматуллаев Ҳ.З., Тўхтаев Х. Р., Ғофурова О. С., Юсупова М. М. | "Анорганик кимёдан амалий машғулотлар" ўқув қўлланма | 1998 | Тош.Фарм.И |
| 41. | Курбонниёзов Р. | "Умумий табиий география" КҲК учун ўқув қўлланма | 1999 | УрДУ |
| 42. | Мусаев П. Бахрамов А. Курбанниёзов Р. Мухамметова М. | "География" 6-синф учун дарслик | 1998 | УрДУ |
| 43. | Холматов Т. Х. Тайлақов Н. И. | "Амалий математика, дастурлаш ва компьютерининг дастурий таъминоти" ўқув қўлланма | 2000 | СамДАҚИ |
| 44. | Холматов Т. Х. Тойлоқов Н. И. Назаров У. А. | "Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари" ўқув қўлланма. | 2001 | СамДАҚИ |
| 45. | Х. М. Абдувоҳидов., Турғунов Т. Т., Турғунова М. И. | "Амалий физика" I-қисм ўқув қўлланма. | 1996 | ТДТУ |
| 46. | Турғунов Т. Т. | "Амалий физика" II-қисм ўқув қўлланма. | 2001 | ТДТУ |
| 47. | Вафоев Р. Х., Ҳусанов Ж. Х., Файзиев Қ. Х., Хамраев Ю. Й. | "Алгебра ва анализ асослари". КҲК учун ўқув қўлланма. | 2001 | БухООЕСТИ |
| 48. | Бойзоқов А. Қаюмов Ш. | "Ҳисоблаш математикаси асослари" ўқув қўлланма. | 2000 | ТДТУ |
| 49. | Миркомилова М. | "Аналитик кимё" ўқув қўлланма. | 1996 | ТКТИ |
| 50. | Азимов Т. Ж., Содиқов У. В., Файзиев Т. Р., Собирова Д. У. | "Чизма геометриядан амалий дарслар учун" ўқув қўлланма | 2001 | ТДПУ |
| 51. | Исроилов И. Пашаев З. | "Геометриядан масалар тўплами" КҲК учун ўқув қўлланма. | 2001 | ЎМКҲТМ |
| 52. | Мусаев Б. С. | "Агрокимё" дарслик | 2001 | ТДАгрУ |
| 53. | Норбоев Н., Арғинбоев Ҳ., Абдуллаев Х. | "Физикадан амалий машғулотлар" ўқув қўлланма | 2001 | ТДАгрУ |
| 54. | Абдуҳамидов А. У., Насимов Ҳ, А., Носиров У. М., Хусанов Ж. Ҳ. | "Алгебра ва математик анализ асослари" Академик лицейлар учун дарслик | 2001 | СамДУ |
| 55. | Абдуқосимов А. | "Материклар ва океанлар табиий географияси" 6-синф учун ўқув қўлланма | 2001 | СамДУ |
| 56. | Алиханов С. | "Математика ўқитиш методикаси" ўқув қўлланма | 2001 | НамДУ |
| 57. | Пратов Ў. Арифхўджаев С. | "Ботаника"дан кўргазмали қурол | 2001 | РТМ |
| 58. | Болтаев Б., Махкамов М., Далиев А., Азларов Т., Абдуқодиров А. | "Информатика ва хисоблаш техникаси асослари" 8-синф учун дарслик | 2001 | РТМ |
| 59. | Шоймардонов Р.А. Умаров Б. | "Органик кимё" I-қисм ўқув қўлланма | 2001 | БухДУ |
| | **III блок — умумкасбий фанлар.** | | | |
| 60. | Йўлдошев Ў., Усмонов У., Қудратов О. | "Меҳнатни муҳофаза қилиш" ўқув қўлланма | 2001 | ТТЕСИ |
| 61. | Катеринич И. М. | "Теоретический курс физическому воспитанию для студентов ВУЗов временно освобождённых от практических занятий" учебное пособие | 2000 | ТТЕСИ |
| 62. | Зиёдова Т. У. | "Ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатиш" методик қўлланма | 2001 | ГулДУ |
| 63. | Дусчанов Б. А., Солихўжаев С. С., Искандарова Ш. Т. | "Умумий гигиена" талабалар учун дарслик | 2001 | Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги |
| 64. | Мамадов Ю. М. | "Клиник фармакалогия" талабалар учун ўқув қўлланма | 1999 | Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги |
| 65. | Абдуллахўжаева М.С. | "Одам патологияси асослари" I, II қисм. Талабалар учун дарслик | 1998 | Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги |
| 66. | Иноятов У., Абдуллаев М., Қорахўжаев Ҳ., | "Бухгалтерия ҳисоби" КҲК учун ўқув қўлланма. | 2001 | Тош. молия иқтисодиёти колежи |
| 67. | Авлиёқулов Н. Х. | "Замонавий ўқитиш технологиялари" КҲК учун ўқув қўлланма. | 2001 | БухООЕСТИ |
| 68. | Олимов Қ. Т. | "Енгил саноат машина ва аппаратлари" бакалаврлар учун ўқув қўлланма. | 2001 | БухООЕСТИ |
| 69. | Абдусаломов М., Азизов Х., Баратов М., Бобоқулов С., Зокиров И., Ибратов Б., Кочергина Т., Муҳамедов Р., Оқюлов О., Сайфуллаев Ф., Самархўжаев Б., Тўраев А., Ҳамроев С. | "Ўзбекистон республикасининг фуқаролик ҳуқуқи" талабалар учун дарслик | 1999 | ТДЮИ |
| 70. | Расулов С. А. | "Қуймакорликда металларни суюқлантириш усуллари". талабалар учун дарслик | 1998 | ТДТУ |
| 71. | Исматуллаев П. Р., Мақсудов А. Н., Абдуллаев А. Х., Ахмедов Б. М., Аъзамов А. А. | "Метрология стандартлаш ва сертификатлаштириш" талабалар учун дарслик | 2001 | ТДТУ |
| 72. | Аллаев Қ. | "Содействие реформированию системы непрерывного образования республики Ўзбекистан | 2001 | ТДТУ |
| 73. | Фазылов Х. Ф. Насыров Т. Х. | "Установившиеся режимы электроэнергетических систем и их оптимизация" учебник | 1999 | ТДТУ |
| 74. | Азизова С. С. | "Фармакология"талабалар учун дарслик | 2000 | Т.Пед. Тиб.И. |
| 75. | Ниёзов З. Очилов И. | "Ахборот технологиялари" КҲК учун ўқув қўлланма | 2001 | Самарқанд Банк колледжи |
| 76. | Ахмедов Н. Муродов С. | "Ипакчилик асослари" дарслик | 1998 | ТДАгрУ |
| 77. | Ҳамрақулов Р. Карибаев К. | "Қишлоқ хўжалик хайвонларини озиқлантириш" дарслик | 1999 | ТДАгрУ |
| 78. | Абдуллаев Н. Ҳ. Каримов Х. Ё. | "Патофизиология" талабалар учун дарслик | 1998 | ТошМИ II |
| 79. | Ахмедов Н. К. | "Атлас одам анатомияси" I-II қисмлар талабалар учун ўқув қўлланма | 1998 | ТошМИ II |
| 80. | Хван Л. Б. | "Налоговое право" учебник | 2001 | ТДЮИ |
| 81. | Хван Л. Б. | "Солиқ хуқуқи" талаблар учун дарслик | 2001 | ТДЮИ |
| 82. | Раджабов А. Муратов Х. М. | "Электротехнология" талабалар учун дарслик | 2001 | ТИҚХМИИ |
| 83. | Давидбоев Б. | "Кўтариш-ташиш машиналарини лойихалаш" бакалаврлар учун ўқув қўлланма | 2001 | ФарПИ |
| 84. | Мадалиев Э. У. | "Иссиқлик техникаси" бакалаврлар учун дарслик | 2001 | ФарПИ |
| 85. | Умурзақов Э. К. Ҳамидова М. А. | "Қурилиш ишлаб чиқариш технологияси" бакалаврлар учун ўқув қўлланма | 2001 | ФарПИ |
| 86. | Валуконис Г. Ю. Мурадов Ш. О. | "Основы экологии" ўқув қўлланма | 2001 | ҚарМИИ |
| 87. | Қосимов Ғ. М. | "Транспорт корхоналарида менежмент" бакалаврлар учун дарслик | 2000 | ТТИМИ |
| 88. | Сариқов Э. Ҳайдаров Б. | "Иқтисодий билим асослари" ўқитувчилар учун услубий қўлланма | 2001 | УМКҲТРИ |
| 89. | Сариқов З. Ҳайдаров В. Қамбаров Қ. | "Иқтисодий билим асослари" ўқитувчилар учун услубий қўлланма | 2001 | ЎМКҲТРИ |
| 90. | Сариқов Э. Ҳайдаров Б. | "Иқтисодий билим асослари" 8-синф учун дарслик | 2001 | ЎМКҲТРИ |
| 91. | Тешабоев А. Зайнобиддинов С. Эрматов Ш. | "Қаттиқ жисм физикаси" ўқув қўлланма. | 2001 | АндДУ |
| 92. | Дўстмуҳаммедов М. | "Муҳандислик геодезияси" бакалаврлар учун дарслик | 1998 | ТТИМИ |
| 93. | Бозорбоев Н. Хушназаров Б. | "Қурилиш машиналари" ўқув қўлланма | 2001 | ТАҚИ |
| 94. | Сиддиқов А. М. | "Сонли усуллар ва программалаш"талабалар учун ўқув қўлланма | 2001 | ТАҚИ |
| 95. | Даулатов Е., Ахмедов С. Давлатов Р. | "Қурилишда бизнес режалаштириш" ўқув қўлланма | 2001 | ТАҚИ |
| 96. | Юсупова Н. | "Лора ва Патрик Францияда" ўқув қўлланма | 2001 | УзЖТУ |
| 97. | Турсунов Б. С. | "Хирургик беморлар парвариши" дарслик | 1998 | СамДТИ |
| | **IV блок-мутахассислик фанлари.** | | | |
| 98. | Самархўжаев Х. Ҳ. | "Тикувчилик корхоналарининг ускуналари" талабалар учун ўқув қўлланма | 2001 | ТТЕСИ |
| 99. | Алимова К. А., Усенко В. А. | "Ипакни эшиш" талабалар учун дарслик | 2001 | ТТЕСИ |
| 100. | Азимходжаева Р. У. Салпинкиди Я. П. | "Янис Салпинкиди и его школа" ўқув қўлланма | 2001 | ТДПУ |
| 101. | Абдуллаев С., Азимов Б., Махмудов А., Бойметов Б. | "Қаламтасвир" ўқув қўлланма | 2001 | ТДПУ |
| 102. | Олимов К. Т. | "Тикувчилик корхоналари жихозлари" ўқув қўлланма. | 2001 | БухООЕСТИ |
| 103. | Хаитов Р. А., Зупаров Р. И., Раджабова В. Э., Шукуров З. З. | "Дон ва дон махсулотларининг сифатини баҳолаш ҳамда назорат қилиш" ўқув қўлланма. | 2000 | БухООЕСТИ |
| 104. | Иброҳимов У. | "Электр машиналари" | 2001 | ТДТУ |
| 105. | Хакимова Ш. И. | "Шаробчилик микробиологияси" ўқув қўлланма. | 2001 | ТКТИ |
| 106. | Перегудов Л. В., Жўраев Р. Х., Перегудов С. Л. | "Металл кесиш станокларида ишлов бериш" КҲК учун дарслик | 2001 | ОЎМММИ |
| 107. | Икромов Т. Х. | "Чорвачилик асослари" КҲК учун дарслик | 2001 | ЎМКҲТМ |
| 108. | Иброҳимов У. | "Электр машиналари" КҲК учун дарслик | 2001 | ЎМКҲТМ |
| 109. | Носиров У. Н. | "Қорамолчилик" дарслик | 2001 | ТДАгрУ |
| 110. | Шакамалов К. | "Патентоведение" ўқув қўлланма | 2001 | ТДТУ |
| 111. | Ёрматова Д. | "Дала экинлари биологияси ва етиштириш технологияси" дарслик | 2000 | ЎзЖТУ |
| 112. | Қодиров С. М., Ҳошимов Д. И., Маҳмудов Г. Н., Ҳошимов А. Д. | "Тико автомобили тузилиши, носозликларни аниқлаш ва таъмирлаш" ўқув қўлланма | 2001 | ТАЙИ |
| 113. | Қосимов Ғ. М. | "Транспорт корхоналарида менежмент" бакалаврлар учун дарслик | 2001 | ТТЙМИ |
| 114. | Миралимов М. | "Ииғинди препаратлар технологияси" дарслик | 2001 | ТФарМИ |
| 115. | Миралимов М. | "Фармацевтик технология асослари" дарслик | 2001 | ТФарМИ |
| 116. | Акромов Х. А., Нуритдинов Ҳ. Н. | "Бетон ва темир-бетон буюмлари технологияси" I-II қисмлар. ўқув қўлланма | 2001 | ТАҚИ |
| 117. | Файзиев Х. | "Сув йўллари ва портлари" ўқув қўлланма | 2001 | ТАҚИ |

**Танловга тақдим этилган адабиётлар бўйича тақризлар, мулоҳазалар матбуотда эълон қилиниши ёки 2002 йил 1 сентябргача ОЎМММИ (Тошкент шаҳри, Пахтакор кўчаси 3а) га юборилиши мумкин.**

# JALOLIDDIN RUMIY

Rumiy hazratlari Mavlono deb shuhrat topganlar. "Mavlono" so'zining o'zagi "mavlo" ekanligi va bu so'z amakivachcha, qo'shni, do'stini qo'riqlovchi do'st, o'rtoq, kuyov, yaqin ma'nolarida ishlatilishi arab izohli lug'atlarida ko'rsatilgan. Sahihi Buxoriyda Payg'ambar Xojamiz o'z quli Zaydga: "Ey Zayd! Sen qardoshimiz va mavlomisan" deganlari rivoyat qilingan. Bu hadis ham "mavlo" so'zining ma'nosi arab lug'atlarida to'g'ri ko'rsatilganligini isbotlaydi.

Mavlononing to'la ismlari: Muhammad Jaloliddin.

Otalarining to'la ismi: Muhammad Bahovuddin. Olimlar sultoni bo'lganlar.

Onalarining oti: Mo'mina Xotun. Xorazmshoh hukmdorining qizi.

1207 yil 30 sentyabrda Balxda tug'ilgan. Balx o'sha davrda Xorazmshohlarning taraqqiy etgan bir shahri edi.

1273 yil 12 dekabrda Kunyo shahrida vafot etgan. Bu shahar Saljuqiylar davlatining boshkenti bo'lgan.

1226 yili Sharafiddin samarqandiyning qizi Gavhar Xotunga uylangan. Ularning Bahoaddin Sulton Valad va Aloaddin Muhammad Chalabiy degan ikki o'g'illari bo'lgan.

Mavlono Jaloliddin Rumiyning asarlari:

MASNAVIY. Aruz vaznidagi she'r turlaridan biri masnaviy yo'lida yozilgani uchun masnaviy nomini olgan. Asar forscha bitilgan. Boshdan to oxirigacha she'riy hikoya, naql va masallar misolida ma'naviy yetuklikka erishish yo'llaridan bahs yuritadi.



25.700 baytdan iborat. Olti jildni tashkil qiladi.

KATTA DEVON. (Shams Tabriziy devoni deb ham ataladi). G'azallar, qasidalar va ruboiylardan tashkil topgan. Sakkiz jild. 60.000 misrani o'z ichiga oladi.

FIHI MO FIH. (Ichingdagi ichingdadir). Ijtimoiy-siyosiy va ahloqiy-ma'rifiy va'zu o'gitlardan maydonga kelgan nasriy asar.

MAVOIZI MAJLISI SAB'O. (Yetti majlisda aytgan va'zlari). Tasavvufiy nasriy asar. Hikoyalar va she'rlar bilan jozibali shaklda ishlangan oyat va hadislar tafsiri.

MAKTUBOT. (Xatlar). Saljuqiy sultonlariga, davlat arboblariga yozilgan 147 xatdan iborat.

Rumiy ijodiyoti tasaffufiy adabiyotning eng yuksak cho'qqisi hisoblanadi. Uning KATTA DEVONidagi sufiyona lirik she'rlarning aksariyati Shamsiddin Tabriziy nomidan yozilgan.

Ammo Rumiy nomini jahonga tanitgan va tasavvufiy she'riyatning eng yirik obidasi hisoblangan shoh asari, shak-shubhasiz, MASNAVIYdir. So'fiylikning asos qoidalarini batafsil sharhlovchi bu asar jahon mumtoz adabiyotining nodir obidasi hisoblanadi. Ayni chog'da bu asar ichidagi deyarli barcha naql, masal va she'riy hikoyalar bolalar adabiyotining ham betakror namunalaridir.

**Miraziz A'ZAM**




## SHUNQOR BILAN NARG'OZ

Bir shunqor narg'ozga: "Suvdan chiq", dedi,
"Biz tomon ov bilan to'lgan liq, — dedi. —

Qo'zilar sayr etgan sahrolarni ko'r,
Eh cho'llar, eh tog'lar — bir-biridan zo'r!"

"Qo'ysang-chi, — dedi g'oz, — suv bizning qo'rg'on,
Suv bizning qal'amiz — sevinchlarga kon.

Bizga kerak emas serqut bog'larning,
Yoki sahrolaring va yo tog'laring".

Shunqor ham shaytonga o'xshardi biroq,
Dediki: "Shunchalik ko'rmisan, o'rtoq?

Qal'angdan tashga chiq, shunqorga aylan,
Ermisan, erkakcha yashashga shaylan".

"Bor jo'na, — dedi g'oz, — yo'lingdan qolma,
Biz yo'ldan chiqmaymiz, ovora bo'lma.

Barcha da'vatlaring o'zingga siylov,
Qilmay qo'ya qolgin ko'nglimizni ov.

Keltirgan in'oming o'zingga qolsin,
Qo'zingni o'zing ye, joningni olsin.

Bizga kifoyadir o'z qo'rg'onimiz,
Omon bo'lsa basdir naslu jonimiz".

Jon bo'lgan har joyda rizq-nasiba bor,
Er bo'lgan har joyda harb-harbiya bor.

Harbiya bor joyda bayroq ham bo'lar,
Bayroq ko'targani idrok ham bo'lar.

## BIR DEHQON KECHASI ARSLONNI HO'KIZ DEB O'YLAB, UNI QASHLAGANI TO'G'RISIDA

Bir dehqon ho'kizin bog'lab ohurga,
O'zi yotgan edi orom olurga.

Tunda ul ho'kizni yedi-da arslon,
O'rniga cho'zildi bamisoli xon.

Bir mahal ho'kizdan olgali xabar
Dehqon hodisotdan keldi bexabar.

Arslon yotgan yerga qadam tashladi,
Arslonning sirtini qashlay boshladi.

Qashladi o'ng yog'u so'l yoqlarini,
Biqinga yuborib barmoqlarini.

Arslon o'ylardiki: "kun yorug' bo'lsa,
O'ti yorilardi u meni ko'rsa.

Hozir qorong'ida bilmas bu ne hol —
U meni ho'kiz deb qashir bemalol".

Seni qo'rqitay deb aytdim hikoyat,
O'ylab ish qil, yo'qsa bosgay falokat.

## ESHAK OXURIGA TUSHGAN JAYRON HIKOYASI

Ovchi jayron tutdi ov qilgan kuni,
Achinmay oxurga qamadi uni.

Oxurda eshaklar yotardi bo'kib,
Jayron qochar edi har yonga hurkib.

Ovchi somon berdi ularga tunda,
Eshaklar somonga yoprildi shunda...

Jayron esa burnin jiyirdi hayron,
Yoqmadi somondan chiqqan chang-to'zon.

Mushk bilan to'lgandi xushbo'y kindigi,
Yosh bilan namlandi qora kiprigi.

Yerdagi baliqday sakrar har taraf,
Qo'shilganday edi mushk ila alaf.

Eshaklardan biri dedi: — Ha, sho'rlik,
Shahzodami deyman, fe'li — bir turlik.

Boshqa biri dedi kinoya qilib:
Balki, sakrar atay, bir gapni bilib.

Yugursa sovringa olar bir inju,
Entikarmi edi yo'qsa shuncha u?! —

Yana bir kesatdi uchinchi eshak:
— Unga sal nozikroq muomala kerak!

Bir eshak somondan yegandi ko'proq,
Iltifot qildi: — Ke, somon ye, o'rtoq! —

Boshini o'girib jayron dedi: — Yo'q!
Nari ket, holsizman, mening qornim to'q!

— Ha, bildim, — der eshak, — sen qilyapsan noz,
Yoki tiyilyapsan, orlanib bir oz...

Tiniq suv, o'tloqlar mening esh-do'stim,
Men bog'u o'tzorda ulg'ayib o'sdim.

Meni bu oxurga keltirgan — taqdir,
Ammo o'zgararmi fe'l-atvor hech bir?!

Eshaklar ichra men nochorman, g'arib,
Terim eski, ammo qolmas o'zgarib.

Men rayhon yer edim, lola va sumbul,
Nozlanib yer edim, bermasdan ko'ngil.

Eshak dedi: — Lof qil, lof qil bu yerda,
Har qancha lof o'tar begona elda.

Jayron der: — Dalil-ku kindigim mushki!
Qani farq qilsangiz hidini koshki..

Sizlarning hid bilgich burningiz xomdir,
Mushk hidi eshaklar uchun haromdir.

Hidlarsiz uchrasa yo'lda tezaklar,
Mushk hidin na bilsin sizday eshaklar!..

**Miraziz A'ZAM tarjimalari.**

*Лицей умумий ўрта таълим мактабининг 9-синфини тугатган йигит-қизлар учун етуклик остонасидир. Бу ерда улар ўз келажакларига пойдевор яратадилар.*



*Бугун тарих шоҳидлиги асосида шуни айтиш мумкинки, соғлом, баркамол, ҳур фикрли, илмли фарзандларгина юрт келажагини бойитади, ривожлантиради. Шу боис, мустақил Ўзбекистонимизда барча соҳаларда бўлгани каби таълим тизимини такомиллаштириш, илм-фанни ривожлантириш борасида ҳам қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Таълимнинг такомиллашуви ҳамда илм-фаннинг юксалиши эса, табиийки, халқимиз ҳаётининг фаровон бўлиши билан узвий боғлиқдир. Қаердаки фан тараққий топса, ўша ерда янгиланиш, юксалиш, ривожланиш бўлади. Айни пайтда юртимиз илмий салоҳиятини юксалтириш, иқтидорли ва истеъдодли кадрларни тарбиялаш, мамлакатимиз тараққиётига муносиб улушини қўша оладиган комил, баркамол инсонларни камол топтириш бугунги куннинг долзарб вазифаси ҳисобланади. Бу борада Навоий давлат педагогика институти ҳузуридаги академик лицейда ҳам қатор ижобий силжишлар кўзга ташланмоқда. Ушбу академик лицей юртимизда биринчилардан бўлиб янги турдаги таълим муассасаси мақомида фаолият юрита бошлаганлиги боис, айни чоғда бу ерда ўрганишга арзигулик иш тажрибаси тўпланган. Ҳукмингизга ҳавола қилинаётган мухбиримизнинг мазкур лицей директори, тажрибали педагог Хўрозбой Эралиев билан суҳбати ана шу ижобий ўзгаришлар ҳақида.*



**Akademik litseylarda**

# ЕТУКЛИК ОСТОНАСИ

**— Хўрозбой ака, академик лицей ташкил этилганига тўрт йилдан ошибди. Ўтган йиллар мазмуни, шу даврда амалга оширилган ишлар кўламидан мамнунмисиз?**

— Бунга бир оғиз сўз билан жавоб бериш қийин. Лекин амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилиш, умумлаштириш, тегишли хулосалар чиқариш мумкин. Лицей ташкил этилгандан то шу кунгача ўтган вақтни илм даргоҳимизнинг шаклланиши, ўз қиёфасига, таълим муассасалари ўртасида зарур мавқега эга бўлиши учун муҳим давр бўлди, десам хато қилмаган бўламан. Чунки ўтган йили лицейимизнинг дастлабки битирувчиларидан 90 нафари республикамизнинг турли олий ўқув юртларига киришга муваффақ бўлдилар. Бу мамлакатимизда мавжуд лицейлар орасида юқори кўрсаткичлардан бири деб эътироф этилди. Лицей педагогик жамоасини ана шундай эришилган юксак натижа жуда қувонтирди. Бундан уларнинг руҳи кўтарилди, кучларига куч, ғайратларига ғайрат қўшилди. Энг муҳими, лицейимизнинг обрў-эътибори ошди. Ота-оналарда фарзандларининг келажагига ишончли пойдевор қўйилишида академик лицей муҳим аҳамият касб этишига ишонч ортди. Буни шу йилги қабул натижаларидан ҳам билса бўлади. Режага кўра тўртта йўналиш бўйича 175 нафар ўқувчи қабул қилишимиз керак. Аммо бизга ҳужжатларини топширганлар сони 500 нафардан ошиб кетди.

**— Лицейингизга иқтидорли ўқувчилар қайси мезонлар асосида танлаб олинади?**

— Лицей умумий ўрта таълим мактабининг 9-синфини тугатган йигит-қизлар учун етуклик остонасидир. Бу ерда улар ўз келажакларига пойдевор яратадилар. Шунинг учун ҳам фақат илмга чанқоқ, интилувчан, иқтидорли ёшларгина лицей ўқувчиси бўла оладилар. Маълумки, шаҳар ва туман халқ таълими бўлимларида ўқувчиларнинг қобилияти ва иқтидорини ўрганувчи педагогик-психологик Ташхис марказлари мавжуд. Лицейимизда ўқиш истагида бўлганлар ана шу марказнинг хулосаси — тавсияномани ҳужжатлар билан бирга топширадилар. Аммо ўқувчиларнинг иқтидорларини белгилашда бу асосий мезон бўла олмайди. Тажрибада шунга амин бўлдикки, лицейда ўқиш жараёнида ўқувчи Ташхис маркази хулосасидан мутлақо бошқа йўналишдаги фанларда қобилияти ва иқтидорини намойиш эта бошлайди.

Лицейимиз ташкил этилган дастлабки йилларда ижтимоий-гуманитар фанлар йўналишида ўқишни хоҳловчилар кўп эди. Бизнинг ўзига хос "селекция" ишларини олиб боришимиз натижасида аниқ ва табиий фанлар йўналишларига қизиқувчилар ҳам кўпайиб кетди. 2001-2002 ўқув йили якунида ўқувчиларнинг билим даражаси ЎМКҲТ Маркази томонидан синовдан ўтказилди. Унда лицейимиз кўрсатган натижа республика лицейлари орасида энг яхши деб қайд этилди. Бу педагогик жамоанинг тинимсиз изланишлари, интилишлари беҳуда кетмаётганлигининг бир белгисидир.

**— Таълимда самарадорликка эришишда замонавий ўқув-техника жиҳозларининг аҳамияти катта. Шунинг учун мамлакатимизда бунга жиддий эътибор берилиб келинмоқда. Ҳозир қайси таълим муассасасига борманг, замонавий техник воситалар билан жиҳозланган ўқув хоналари мавжудлигини кўрасиз. Ҳақиқатдан ҳам ўқувчиларнинг зеҳни ўткир бўлиши ва чуқур билим олишларида ана шундай юксак технологияларнинг аҳамияти бекиёс. Шундай эмасми?**

— Албатта. Бу жиҳатдан бизнинг нолийдиган жойимиз йўқ. Лицейимизда 3 та компьютер, 5 та лингафон хоналари мавжуд. Биология фани ўқув хонаси мультимедиа тизими билан таъминланган. Компьютер марказимизнинг Давлат тест марказига тўғридан-тўғри уланганини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Бунинг натижасида биз таълим соҳасидаги ҳар қандай янгилик ва ўзгаришлардан ҳаммадан аввал воқиф бўлаяпмиз. Бундан ташқари, ўқувчиларнинг кенг ва пухта билим олишларига етарли шарт-шароитлар мавжуд. Лицейнинг муҳташам ўқув залида эса 12 минг нусха китоб жамғармаси бўлган кутубхонадан ўқувчилар ўзларига керакли дарслик, қўлланма ва илмий адабиётларни топа оладилар.

Лицейимизда 400 нафар ўқувчи ўқийдиган бўлса, уларга 40 нафардан ортиқ юқори малакали ўқитувчилар таълим-тарбия беришмоқда. Уларнинг барчаси юқори малакали, тажрибали, билимдон ўқитувчилардир. Ўтган йили уч нафар ўқитувчимиз Жанубий Кореяга боришиб, хориж тажрибасини ўрганиб келишди. Ўқитувчиларимизнинг заҳматли меҳнати давлатимиз томонидан муносиб тақдирланиб келинаяпти. Янги педагогик технологияларни таълим жараёнига муваффақиятли жорий этиш ҳамда давлат таълим стандартларига мос равишда дарс ўтишда жонкуярлик қилиб келаётган педагогларимиздан Л.Зайнутдинова "Шуҳрат" медалига сазовор бўлган бўлса, Ш.Тошназаров, С.Фахриддинова, С.Янгибоевлар "Ўзбекистон Республикаси ўрта махсус, касб-ҳунар таълими аълочиси" кўкрак нишони билан тақдирландилар.

**— Маълумки, ўқитувчи меҳнатининг самараси шогирдлари камолида акс этади. Сиз лицей ўқувчилари эришаётган муваффақиятлардан қониқиш ҳосил қиласизми?**

— Қониқиш бу ўз имкониятларига ҳаддан ташқари юқори баҳо бериш билан баробардир. Шунинг учун биз фаолиятимизни сарҳисоб қилаётганда ҳаддан ташқари қаттиққўл бўлишга ҳаракат қиламиз. Ютуқларга келсак, озми-кўпми бор ва биз улар билан фахрланамиз. Ўтган ўқув йилида ўқувчиларимиздан У.Каримов ва А.Тошевлар республика фан олимпиадасида биринчи ва иккинчи ўринларни эгаллаб, муддатидан илгари олий ўқув юртларига тест синовларисиз кириш ҳуқуқини қўлга киритдилар. "Ёш математиклар" республика биринчи симпозиумида лицейимиздан 6 нафар ўқувчи қатнашди ва барчаси ўз илмий ишлари билан фахрли ўринларни эгаллашди. "Ёш биологлар" республика танловида С.Зубтиев, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" иккинчи босқич вазифалари: табиий фанларни ўқитишда таълим ва фан интеграцияси" мавзусидаги республика анжуманида Ҳ.Бобоёрова совринли ўринларни эгалладилар. Шу кунгача лицей ўқувчиларидан ўндан ортиғининг дастлабки бадиий, илмий асарлари нашр этилди. Масалан, Райҳона Ҳақназарованинг "Ёзувчи" нашриётида чоп этилган "Кўнгил дафтари", Сарвиноз Қодированинг "Орзулар остонаси", Ҳулкар Хўжамованинг "Гулдаста" шеърий тўпламлари, Бахтинур Бердиевнинг "Юртим тарихига бир назар" ва "Навбаҳор тумани тарихи" номли икки қисмдан иборат 3 та китоби, Нодира Мусаеванинг "Математик иншо", Лола Зойированинг "Шофиркон тарихи", "Физика атамалари луғати" илмий рисолалари лицейимизда ҳақиқий илмга чанқоқ, иқтидорли ўқувчилар ўқишини кўрсатади.

**— Бошқа таълим муассасалари билан ҳамкорлик алоқалари қандай? Маданий-маърифий, спорт тадбирлари таълим-тарбия жараёнида қандай моҳиятга эга бўлмоқда?**

— Лицейимиз вилоятимиздаги ягона педагогика институти ҳузурида ташкил топганлиги боис, институт бизга доимо яқиндан ёрдам бериб келади. Институт илмий кенгашида ўқитувчиларимизнинг илмий ишлари муҳокама этилиб, илмий нашрларга тавсия этилади. Ўқувчиларимиз ҳам институт кутубхонаси, кафедраларида тез-тез бўлиб туришади, у ердаги қўлланмалар, илмий адабиётлардан фойдаланишади. Навоий давлат кончилик институти билан ҳам яхши алоқаларимиз мавжуд. Чунки лицейимизни битирган кўплаб ёшларимиз ана шу институтда ўқиш истагида бўлишаяпти.

Маданий-маърифий, спорт тадбирларига келадиган бўлсак, бунга жуда катта эътибор қаратганмиз. "Маънавият ва маърифат" хонаси доимо ўқувчию ўқитувчилар билан гавжум. Ҳар бир байрам, қутлуғ саналар лицейда зўр тантана билан нишонланади. Ёшларимизга миллий анъаналаримиз, урф-одатларимиз, ўлмас қадриятларимизни севиш, ардоқлаш, бойитиш туйғусини сингдирмоқдамиз. Ўқувчиларимизнинг юксак ахлоқ-одоби, илмга ташналиги ҳар қандай кишининг ҳавасини келтиради. Спортнинг теннис, шахмат-шашка турлари бўйича вилоятда пешқадамликни ҳеч кимга бермай келаяпмиз.

**— Хўрозбой ака, лицейингиз хусусида гапирилганда, унга "гулларга бурканган даргоҳ", деб ҳам баҳо беришар экан...**

— Дарҳақиқат, лицейимизнинг айнан шундай эътироф этилиши бежиз эмас. Гарчи лицейимизда бу борада махсус тадбирлар мажмуи ишлаб чиқилмаган бўлсаямки, педагогик жамоанинг ҳар бир аъзоси лицейда табиий гулларнинг барқ уриб очилиб туришига жуда катта эътибор беради. Бугун академик лицей фойеси, мажлислар зали, "Маънавият ва маърифат" хонаси, ошхона, барча ўқув хоналарию махсус лабораториялардаги гул туваклари сони икки мингдан ошиб кетди. Эътиборлиси, гул тувакларининг барчаси бир хил кўринишда, маҳаллий керамикадан ишлаб чиқилгандир. Ҳа, дастлабки 5-6 ой мобайнида ўқувчи ёшларнинг гулларга, хусусан, лицей мол-мулкига эгалик ҳиссини шакллантириш қийин бўлгани билан, кейинчалик бу борадаги сайъ-ҳаракатларимиз бесамара қолмади. Энг асосийси, ўқувчиларимизда гулларни асраб-авайлашга, умуман, табиатга нисбатан меҳр-муҳаббат ҳиссини уйғотишга эришдик. Ўқувчиларнинг пойафзалини илм даргоҳига кираверишда ичкарида кийиб юриш учун махсус пойафзал билан алмаштиришларининг ўзи уларнинг лицей мол-мулкига бўлган тўғри муносабатини англатади, назаримда.

**— Келгуси режалар ҳақида ҳам гапирсангиз.**

— Лицейимизда 600 нафар ўқувчи ўқиши керак. Лекин узоқдан келиб ўқийдиганлар учун ётоқхона шароити талабга тўлиқ жавоб бермаслиги сабабли ҳозирча бунинг имкони йўқ. Келгусида 400 ўринли ётоқхона қуриш ниятимиз бор. Вилоят ҳокими Б. Рўзиев лицейимиз вилоят аҳолиси фарзандлари учун жуда зарурлигини ҳис этиб, ана шу ётоқхона қурилиши учун кетадиган маблағни топиш чораларини кўрмоқда.

Биз педагогларнинг бугунги вазифамиз ниҳоятда масъулиятли ва шарафлидир. Иқтидорли ва истеъдодли ёшларни танлаш, уларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга катта эътибор бериш зарур. Чунки бу ёшлар ёрқин келажагимиз пойдеворидир. Ана шу пойдевор мустаҳкамлигини таъминлаш, уларга тўғри ва намунали йўналиш бериш биз педагоглардан жуда катта масъулиятни талаб қилади. Фарзандларимизнинг илм-фан чўққиларини забт этишларида мадад бўлайлик.

**Нурлан УСМОНОВ суҳбатлашди.**

**Суратларда: лицей ҳаётидан лавҳалар.**

**Б.РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.**





# АФҒОНИСТОНДАН КУБАГА

## Гуантанамодаги жангари маҳбуслар



*Қўшма Штатлар бошчилигида Афғонистонда олиб борилган антитеррор кампанияси натижасида Толибон ҳукумати йўқ қилинди ва бугун афғон халқи ўзининг янги президентига, янги ҳукуматига эга бўлди. Мазкур ҳарбий операциялар вақтида эса Толибон ҳаракати ва дунёда террорчи ташкилот номи билан танилган "Ал-Қоида" нинг қўлга туширилган кўплаб жангарилари Кубадаги АҚШнинг Гуантанамо ҳарбий базасига олиб кетилди. Ва айни вақтда улар маҳбуслар сингари сақланмоқдаларки, бундан мақсад эндиликда уларнинг ҳар бири қилган қилмишлари учун одил суд олдида жавоб беришлари керак. Маълумотларга қараганда, асирлар орасида 2001 йилги 11 сентябр воқеаларига алоқадор кишилар ҳам бор. Мана, қарийб 7 ойдан буён Гуантанамо базасига келтирилган жангарилар сони ҳозирда 600 нафарга етган бўлиб, улар 36 та мамлакат фуқароларидир. Келаётган октябрга қадар эса яна 200 та камера қурилиши режалаштирилган. Бу борада "Halliberton" корпорацияси филиали билан 9 миллион 700 минг долларлик шартнома тузилган бўлиб, "Halliberton" янги камераларни октябр ойигача қуриб битказиши керак. Экспертларнинг фикрича, келгусида маҳбуслар сони 2000 нафарга етиши кузатилаётган бўлиб, Гуантанамо Аф-*



*ғонистондан келтирилган асирлар сақланадиган асосий марказ бўлиб қолади. Ҳозирда маҳбуслар атрофи сим тўрли, ҳажми 1,8 ва 2,4 метр бўлган камераларда сақланмоқдалар. Шунингдек, уларга нонушта, тушлик ва кечки овқат вақтида нон, сомса, рулет, чипс, гуруч, фасоль, пишлоқ, банан, апельсин, майиз ҳамда сув берилади. Ҳатто, уларнинг намоз ўқишлари учун ҳам шароит яратилган.*

*Аммо АҚШ ҳарбий денгиз флоти шифокори Жеймс Рэдкининг айтишича, ҳозирга қадар маҳбуслар орасида камида 30 маротаба ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари кузатилган. Лекин уларнинг ҳеч бирида маҳбуслар мақсадларига ета олмаганлар. Уларнинг аксарияти руҳий ҳасталанган кишилар бўлиб, айримлари ўзларини ўлдириш мақсадида овқатланиш учун берилган пластик буюмлар орқали вена қон томирларини қирқишга уринган бўлсалар, бошқалари эса бошларини камера деворига уриб ёришга ҳаракат қилганлар.*

*Шунингдек, АҚШ махсус хизматининг билдиришича, асирлар орасида саудиялик I-рақамли террорчи Усама бин Ладеннинг шахсий қўриқчиларидан ҳам айримлари бўлиб, лекин уларнинг аниқ нечталиги айтилганича йўқ. Мутахассислар фикрича, асирлар халқаро Гаага ҳарбий трибунали талаблари асосида суд қилинишлари керак.*

**Falokat**



# СУВ БАЛОСИДАН АСРАСИН

*Табиат ва инсон қадимдан бир-бири билан чиқиша олмасдан келади. Сабаби оддийгина, инсон табиий бойликлардан ўз мақсади йўлида оқилона фойдаланмаслигидир. Табиатга чирой бағишлаб турган ям-яшил ўрмонларнинг кесилиши ёки ҳайвонот дунёсига кўр-кўрона муносабатда бўлиш, бугун ўзининг асоратларини кўрсатмоқда. Бугун Қизил китобга киритилган ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг вакиллари ҳам талайгинага етиб қолди. Шунингдек, завод ва фабрикалардан ёки инсоннинг кундалик турмушидан чиқаётган чиқиндилар боис, экология муаммоси жаҳон ҳамжамиятининг долзарб масалалари қаторидан ўрин олди. Ҳатто табиатни: ўсимлик ва ҳайвонот оламини борича сақлаб қолиш, юзага келган экомуаммоларни бартараф этиш мақсадида "Greenpiece" каби ташкилотлар пайдо бўлди.*

*Лекин, бугун Ғарбда ёки Шарқда юз бераётган ва бераждак турли хилдаги табиий офатларни табиатнинг инсондан қасд олишига ўхшатиш мумкин. Зеро, биргина Ҳиндистон ва Покистонда ўтказилган ядровий бомбалар синови ҳали ўзининг асл ҳолини кўрсатиб бўлганича йўқ.*



*Айни вақтда эса дунё сув тошқини билан овора бўлмоқда. Осиёнинг Ҳиндистон, Непал, Бангладеш каби давлатларида давом этаётган сув тошқинлари оқибатида 874 киши қурбон бўлган бўлса, уларнинг аксарияти Ҳиндистон ва Непал фуқароларидир. Ҳимолай тоғи этакларида ёққан кучли жала Ҳиндистоннинг Бихар штатига жиддий хавф туғдирган. Шунингдек, Ассам штатида ҳам шундай аянчли аҳволни кўриш мумкин. Непалда эса тоғли ҳудудларда яшовчи аҳоли асосий ҳудуддан узилиб қолганликлари боис, улар томонга фақат вертолётлар ёрдамида ўтилмоқда.*

*Бундан ташқари, табиий офатдан Европа ҳам четда қолмаяпти. Айниқса, Германия, Австрия, Италия, Чехия, Словакия давлатлари ўз ҳудудларининг кўп қисмида фавқулодда ҳолат эълон қилганлар.*

*Табиий офат жиддий кўриниш олган Чехия пойтахти Прага шаҳрида кўнгиллилар ҳам қутқарув хизмати ходимлари билан бирга ушбу тарихий марказни имкони борича асл ҳолида сақлаб қолишга ҳаракат қилмоқдалар. Ҳозирда Праганинг 200 минг аҳолиси хавфсиз жойга кўчирилган. Сўнги маълумотларга қараганда, Чехияда 11 киши табиий офат қурбонига айланган. Карлин туманида тўрт қаватли бино ағдарилиб тушган бўлиб, ҳозирча унинг ичида одамлар бўлганлиги аниқ эмас. Охирги 500 йил ичида илк бора кузатилаётган бу сув тошқини биринчи тахминларга кўра, 100 миллион долларлик зарар келтирган. Мамлакат бош вазири Владимир Шпидла, агар Прагада яшовчи аҳолининг баъзилари хавф яқинлашаётганига қарамасдан ўз уйидан кетишни хоҳламаса, унга нисбатан қутқарувчилар жисмоний куч ишлатишларига (мажбурлашларига) рухсат берди. Прага ҳокими Мартин Кубканинг айтишича, Мельник шаҳри яқинида тошқин сабаб энига 1,5 километрли кўл пайдо бўлганки, бу ҳол 1,5 аср аввал айнан шу ерда ҳосил бўлган сув ҳавзасини эслатади. Европанинг энг чиройли шаҳарларидан ҳисобланмиш Праганинг бугунги аҳволи ҳақида ўзининг биринчи саҳифасида хабарлар бераётган Британия матбуоти айни ҳолатни худди 1968 йил шаҳарга совет танкларининг кириб келишларига қиёсламоқда. Чунки бугун ҳам шаҳар кўчаларида танклар юрган бўлиб, лекин улар Чехияга қарашли ва шу билан бирга улар табиий офатга қарши курашмоқдалар.*

*Германия шарқида Эльба дарёси ҳам ўзанидан чиқиб кетган. Дрезден, Бавария ерларида фавқулодда ҳолат эълон қилиниб, аҳолини эвакуация қилишда ҳарбий вертолётлардан фойдаланилмоқда. Мамлакат бюджетидан маблағ ажратишга ваъда берган канцлер Герхард Шредер Саксонияга ташриф буюрди ва аҳвол билан танишди. Саксония ҳокими Георг Мильбраднинг айтишича, 1845 йилдан буён Саксония тарихида биринчи марта кузатилаётган сув тошқини туфайли 6 киши ҳалок бўлган. Шунингдек, офат туфайли ўлканинг тарихий қисми, темир йўл вокзали сув остида қолган. Эльба сатҳининг меъёрдагидан 4 бора кўпайиб, 8 метрга кўтарилгани барчани ташвишга солмоқда.*



*Австрия ҳукумати ҳам бир неча шаҳарларида фавқулодда ҳолат эълон қилган. Дунай дарёсининг тошиши Иббс шаҳрининг сув остида қолишига сабаб бўлди. Ёрдамга муҳтож 60 минг фуқаро эса вертолётлар ёрдамида бошқа жойларга кўчирилмоқдалар. "Бу бутун бир Австрия тарихида биринчи бор кузатилаётган табиий офатдир", деди мамлакат канцлери Вольганг Шюссель ҳамда тикланиш учун 640 миллион доллар ажратилишига ваъда берди.*

*Италияда эса дарёлар ўзанларидан чиқиб кетишлари боис, Пьемонт вилоятининг бир неча туманлари сув остида қолган. Альп тоғларида кучли қор ёғиши натижасида тоғ йўлларида ҳаракат тўхтаб қолган. Римда эса табиий офат сабабли автомобиль ва ҳаво транспорти хизматлари вақтинча тўхтатилган.*

*Бир сўз билан айтганда, бугун шарқ ҳам, ғарб ҳам табиий офатдан азият чекмоқда. Бугун бегуноҳ инсонлар сув тошқини қурбонига айланмоқдалар. Шунинг учун, халқимиздаги "Ўт балосидан ва сув балосидан ўзинг асра" деган ҳикматомуз гап бежизга айтилмаган.*

## АЙБДОРЛАР ИЧИДА ШАҲЗОДАЛАР БОР

**Ўтган йили 11 сентябрь воқеаларида халок бўлганларнинг 600 нафарининг қариндошлари "Ал-Қоида" ташкилотига молиявий ёрдам берганликда айблаб, Судан ҳукуматини, 7 банк ва 8 та ислом инсонпарварлик жамғармаларини ҳамда уч нафар саудиялик шаҳзодаларни судга берган. "Жавобгарлар орасида шаҳзода Муҳаммад Файсал, Саудия разведкасининг собиқ раҳбари шаҳзода Туркий Файсал ва мудофаа вазири Султон бин Абдулазизлар бор", деди 11 сентябрь жабрдийдаларига адвокатлик қилаётган гуруҳ раҳбари Рон Мотли.**



## САДДАМ ҲУСАЙН ЯНА ПРЕЗИДЕНТ БЎЛМОҚЧИ

**Ироқ олий давлат органи — Революцион-қўмондонлик Кенгаши амалдаги мамлакат раҳбари Саддам Ҳусайн номзодини янги 7 йиллик президентлик муддатига таклиф этди. Кенгашнинг расмий билдирувига кўра, гарчи мамлакатга четдан турли хил иғволар ва эмбарголар қўлланилаётган бўлса-да, Саддам Ҳусайн Ироқ мустақиллигини таъминлаш ва тараққиёт учун хизмат қилмоқда. Президентлик сайлови эса 15 октябрда бўлиб ўтади.**



**Эслатиб ўтамиз, Саддам илк бор 1979 йил президент этиб сайланган бўлиб, ҳозирга қадар партия раҳбарлиги, қуролли кучлар бош қўмондонлиги ҳамда Революцион-қўмондонлик Кенгашини биргаликда бошқариб келади.**

## КАРЗАЙ: "АРМИЯ ТУЗИШ КЕРАК"

**Афғонистон ҳукумати раҳбари Ҳамид Карзай "Қобул радиоси"да чиқиш қилар экан, мамлакат ўзининг армиясига эга бўлиши кераклигини алоҳида таъкидлади. Бундан мақсад, мамлакат суверенитетини сақлаб қолишдир. Ҳозирда кўплаб вилоятлар маҳаллий қўмондонлар қўшинлари орқали бошқарилаётган бўлиб, бўлғуси армия уларни бирлаштиришда муҳим рол ўйнайди. Шунингдек, Карзай одамлардаги қурол-аслаҳаларнинг мудофаа вазирлиги назоратига олинишини ҳам айтиб ўтди.**



## ВАЗИЯТГА ҚАРАБ ИШ ТУТИЛАДИ

**"Hareetz" газетасининг ёзишича, Ироқ агарда Исроилга қарши кимёвий ёки биологик қуроллардан ҳужум қиладиган бўлса, у ҳолда унга қарши ядровий қуролдан фойдаланилади. Исроил ҳарбий шарҳловчиси Зееф Шиффнинг айтишича, бордию тинч аҳоли орасида катта йўқотиш кузатилса, Исроил ядро қуролидан фойдаланиш ҳуқуқини ишга солади.**



**Саҳифа материалларини "ИНТЕРНЕТ" хабарлари асосида Камолиддин АЛИОХУНОВ тайёрлади.**

## ГУЛИСТОНДА СПОРТ БАЙРАМИ

Куни кеча Гулистон шаҳрида катта спорт байрами бўлиб ўтди. Учинчи бора ташкил этилган республика “Алпомиш” ўйинлари фестивали мазкур шаҳардаги “Алпомиш” спорт мажмуи ҳамда Гулистон ўйингоҳида бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизнинг 17-60 ёш оралиғидаги 200 нафар спортчиси миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари бўйича ўзаро беллашдилар. Жумладан, полвонларга хос бўлган “Тош кўтариш” баҳсида қорақалпоғистонлик Ержон Алмагамбетов рақибларидан устун келган бўлса, ”Хўрозлар жанги“да сурхондарёлик Темур Туропов ғолиб деб топилди. Шунингдек, қашқадарёлик Чори Баратов ва Нодир Норқобилов “Елкада кураш” мусобақасида зафар қучдилар. Жамоалараро ўтказилган “Бўрон” ўйинида яна Сурхон воҳаси ғалаба қозонган бўлса, “Тортишмачоқ” ва “Минди” беллашувларида водийнинг Фарғона ҳамда Наманган вилоятлари вакиллари ғолиб бўлдилар. Умумжамоа ҳисобида биринчилик Сурхондарё вилоятига насиб этган бўлса, иккинчи ва учинчи ўринларга Фарғона ҳамда Тошкент шаҳри полвонлари лойиқ топилдилар.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, бундай фестивалларни ўтказишдан мақсад одамлар орасида халқ ўйинлари ва миллий спорт турларини оммалаштириш экан, аждодлардан қолган меросни ёш авлодга бус-бутунлигича етказиш ҳар бир инсоннинг бурчидир.

## ҲАМЮРТЛАРИМИЗНИНГ ҒАЛАБАСИ

Пойтахтимизнинг “ЖАР” спорт саройида футбол бўйича 19 ёшли ўсмирларимиздан иборат Ўзбекистон терма жамоаси Озарбайжон терма жамоаси билан ўртоқлик учрашуви ўтказдилар. Асосан ҳамюртларимиз фаоллиги остида ўтган мазкур ўйин Ўзбекистон терма жамоасининг 3:1 ҳисобидаги ғалабаси билан якунланди. Рақиблар дарвозасига тўпларни ҳамюртларимиздан Элдор Магдиев, Нодир Кўзибоев ва Музаффар Холиқовлар йўллашди.

## ГУРУҲ ҒОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Гулистон шаҳрида 15-16 ёшли ўсмирлар ўртасидаги “Футболимиз келажаги” турнирининг Тошкент шаҳри ва вилояти, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари ўртасидаги 2-гуруҳнинг финал бос-қичи ниҳоясига етди.

Муросасиз кечган баҳсларда Сирдарё вилоятининг “Гулистон”, пойтахтимизнинг “Гулобод” жа-моалари устидан ғалаба қозонган Тошкент вилоятининг “Оққўрғон” маҳалласи жамоаси гарчи жиззахлик тенгқурлари билан дуранг ўйнаган бўлсалар-да, очколар ҳисобида пешқадамлик қилиб, чемпионликни қўлга киритди. Шунингдек, бошқа гуруҳларда ҳам ғолиблар аниқланди. Биринчи гуруҳда Андижон шаҳрининг 8-сон маҳалла жамоаси рақибларидан устун келиб, зафар қозонган бўлсалар, 3-гуруҳда Самарқанд вилояти Пастдарғом туманининг Амир Темур номли маҳалласи, 4-гуруҳда Урганч шаҳрининг Янгиобод маҳалласи футболчилари биринчиликни қўлга киритдилар.

Энди улар Қўқон шаҳрида ўзбек футболининг 90 йиллик юбилейи муносабати билан ўтказиладиган спорт байрамида, республика финал босқичида иштирок этадилар.

## АҚЛ ГИМНАСТИКАСИ ТУРНИРИ

Куни кеча ҳамюртларимиз Голландияда ўтказилган шахмат бўйича очиқ чемпионатда муваффақиятли иштирок этиб қайтдилар. Хусусан, 7 учрашувда ғалаба, бир учрашувда мағлубият ва яна бир учрашувда дуранг натижани қўлга киритган спортчимиз Шуҳрат Сафин турнир ғолиби дея эътироф этилди. Шунингдек, Ҳайдар Йўлдошев ҳам муваффақиятли иштирок этди. Эндиги навбат Бирлашган Араб Амирликларида бўладиган яна бир халқаро турнирга жиддий тайёргарлик кўришдир.

## МЕЗБОНЛАР ҒАЛАБАСИ

Қадим Бухорода спортнинг муайтай тури бўйича республика турнири бўлиб ўтди. 120 нафар спортчилар иштирокида ўтган бу турнирда Тошкент, Андижон ва Бухоро вилоятлари муатайчилари анчагина абжир ва чаққон эканликларини исботлашди. Ўз вазн тоифаларида Зоир Тиллаев, Жамшид Раҳматов, Нодир Тўраев ва Абдужалил Ҳожиматовлар зафар қозондилар. Умумжамоа ҳисобида мезбонлар биринчи, Тошкент вилояти иккинчи, Андижон вилояти спортчилари учинчи ўринни эгалладилар.

## “ОЛТИН ВОДИЙ” ТУРНИРИ

Наманган вилоятида шахмат бўйича анъанавий “Олтин водий” очиқ турнири ўтказилди. 50 нафардан ортиқроқ спортчи иштирок этган бу турнирда андижонлик халқаро тоифадаги спорт устаси Иброҳим Каримов чемпионликни қўлга киритди. Иккинчи ўрин мезбон Акром Жўраевга, учинчи ўрин эса Тошкент вилоятилик Андрей Белкинга насиб этди.

## “ЗЕНИТ”НИНГ ЙИРИК ҒАЛАБАСИ



УЕФА кубогининг саралаш босқичида Россиянинг “Зенит” жамоаси “Энкамп” (Андорра) жамоаси устидан йирик ҳисобда ғалабани қўлга киритди. Учрашув бошлангандан сўнг, орадан 4 дақиқа ўтиб, Аршавин ҳисобни очган бўлса, 2-бўлимда яна унинг ўзи гол уриб 51-дақиқада ҳисобни 2:0 га етказди. Шунингдек, Спивак 59-дақиқада пенальтини қойилмақом қилиб уддалаган бўлса, 65-дақиқада Макаров ҳамда 71-дақиқада Осиповлар рақиблар дарвозасини ишғол этдилар.

## МАРАДОНА ҚЎШИҚ ЯРАТДИ

Афсонавий футбол юлдузи, Аргентина фахрига айланган 41 ёшли Диего Марадона ўз қўшиғини яратди. “Тангрининг қўли” дея номланган бу қўшиқда Мексикада ўтказилган Жаҳон чемпионатидаги Англия ва Аргентина учрашувида Марадона инглизлар дарвозасига тўпни қўли билан киритгани ҳақида гап боради.

Ёдга олсак, бу учрашувда Диего 2-голни ҳам урган эдики, ҳалигача уни инглизлар эсларидан чиқарганларича йўқ. Ўшанда учрашувдан сўнг журналистларга интервью берган Марадона “Агар бу қўл бўлса, Тангрининг қўлидир”, дея айтган эди.




**А.Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИда 2002 йилнинг сентябрь ойида қуйидаги тоифалар бўйича курслар режалаштирилган:**

1. Мутахассислиги ўзбек тили ва адабиёти бўлган директорлар курси — ўзб — 2-28
2. Мутахассислиги тарих-география бўлган директорлар курси — ўзб — 2-28
3. Мутахассислиги химия-биология бўлган директорлар курси — ўзб — 2-28
4. Мутахассислиги физика ва умумий техника фанлари бўлган директорлар курси — ўзб — 2-28
5. Мутахассислиги рус ва хорижий тиллар бўлган директорлар курси — ўзб — 2-28
6. Ёш директорлар (ушбу лавозимда 5 йилгача ишлаётганлар) курси — ўзб — 2-28
7. Мутахассислиги математика ва информатика бўлган директорлар курси — ўзб — 2-28
8. Туман (шаҳар) ХТБ мудирлари курси — ўзб — 16-28
9. Туман (шаҳар) ХТБ методистлари учун УЎТ янги ўқув дастури бўйича мақсадли курси (физика, математика, информатика. Сирдарё ВПҚТМОИда) — ўзб — 9-14
10. Туман (шаҳар) ХТБ методистлари учун УЎТ янги ўқув дастури бўйича мақсадли курси (тарих, география. Тошкент ВПҚТМОИда) — ўзб — 9-14
11. Туман (шаҳар) ХТБ методистлари учун УЎТ янги ўқув дастури бўйича мақсадли курси (рус ва хорижий тиллар) — ўзб — 16-28
12. Йўл ҳаракати қоидалари ўқитувчилари курси (Сурхондарё ВПҚТМОИда) — ўзб — 9-14
13. Мактаб амалиётчи психологлари учун мақсадли курс — ўзб — 2-14
14. ЧЁТ раҳбарлари курси — ўзб — 2-14
15. Ёрдамчи мактаб ва мактаб-интернатларининг меҳнат ўқитувчилари курси — ўзб — 2-28
16. ЁТЭМ методистлари курси — ўзб — 16-28
17. Табиий фанлар таълими кафедраси ўқитувчилари учун мақсадли курс — ўзб — 8-13

**Эслатмалар:**

**1. Тингловчилар институт меҳмонхонасига жойлашадилар, институт кутубхонаси ва қироатхонасидан фойдаланадилар. Сафар харажатлари институт ҳисобидан тўланади. Йўл харажатлари фақат давлат транспортларининг чипталари асосида тўланади.**

**Курсларда таниқли педагог олимлар, ДТС, ўқув дастури ва дарсликлар муаллифлари машғулотлар олиб борадилар, санъаткорлар ва матбуот ходимлари билан учрашувлар ўтказилади ҳамда Темурийлар тарихи Давлат музейи, Хотира майдони, “Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуи ва бошқа зиёратгоҳларга экскурсиялар уюштирилади.**

**2. Тингловчининг сафар гувоҳномасида юқорида қайд қилинган курслардан қайси бирига юборилгани ҳамда лавозими аниқ кўрсатилган бўлиши ва режада кўрсатилган муддатда етиб келишлари шарт.**

**3. Кечикиб келган тингловчиларни истисно тариқасида қолдирган дарсларни ўзлаштириб олиш ва якуний тест синовидан муваффақиятли ўтиб, юқори кўрсаткичга эришган тақдирларида сертификат бериш, акс ҳолда фақат маълумотнома бериш шарти билан қабул қилиниши мумкин.**

**4. Тоифага мос келмаган тингловчиларни қайтарилганда, сафар харажатлари тўланмайди.**

**5. А.Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИ қошидаги санаторий-профилаклаторийга вилоят касаба уюшма қўмитаси томонидан берилган йўлланма ёки далолатнома бўйича қабул қилинади.**

***Манзил: Тошкент-95, Талабалар шаҳарчаси, Саидов кўчаси, 6-уй.***
***Транспорт: Шимолий темир йўл вокзалидан 20-троллейбуснинг “Талабалар шаҳарчаси” бекати.***

**Ақли заиф ва етимларга устозлик ва ғамхўрлик қилиш “БЕҒУБОРЛИК” маркази шу тоифадаги ногирон болаларга таълим-тарбия ва ҳунар ўргатади ва сурдолог, логопед, невропотолог-педиатр, психотерапевт, дефектолог мутахассисларни ишга қабул қилади.**

**Ёши 3-4 дан 20 гача бўлган болалар ва ўсмирлар ота-оналари қуйидаги телефонларга мурожаат қилсинлар:**
**Ҳамза туманидаги собиқ 9-боғча биноси.**
**Тел: 49-44-32, 191-20-56.**

Чирчиқ шаҳридаги Республика Олимпия заҳиралари билим юрти томонидан 1993 йил 20 июнда ТАЛАСБАЕВ МУРАТ БАЛЧАБАЕВИЧ номига берилган ПТ- 100898 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**.

Тошкент шаҳар Ҳамза тумани ИИБ томонидан берилган СВ-0287455 рақамли паспорт эгаси, Ҳамза тумани Висол кўчаси 6 — 43-уйда яшовчи Аланазаров Абдували Еливаевич номига Ўзбекистон автомобил ва дарё транспорти агентлиги Тошкент вилояти бошқармаси томонидан берилган 0306700 рақамли лицензия йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

“Маърифат” газетаси жамоаси газета таҳрир ҳайъати аъзоси Саъдулла Ҳакимовга онаси
**САЛОЯТ бувининг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент шаҳар Халқ таълими Бош бошқармаси, шаҳар таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитаси жамоалари Тошкент шаҳар Халқ таълими Бош бошқармасининг етакчи мутахассиси Ф.Собировага онаси
**Моҳинур ая ШОКИРОВАнинг**
вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

Юнусобод тумани халқ таълими бўлими, туман касаба уюшмаси 228-болалар боғчаси мудираси Муқаддас Обидовага турмуш ўртоғи
**Қодиржон ОБИДОВнинг**
вафот этганлиги туфайли таъзия билдиради.

Юнусобод туман халқ таълими бўлими, туман касаба уюшмаси 99-болалар боғча мудираси Ҳалима Ҳасановага отаси
**Қурбон ота АБДУАЗИЗОВнинг**
вафот этганлиги туфайли таъзия билдиради.

*Инсон ота-онани севса, ака-ука, опа-сингилни севади, маҳаллани севади. Маҳаллани севса, у, албатта Ватанни севади. Зеро, Ватан остонадан бошланади.*



# ИШОНЧНИ ОҚЛАМОҚ КЕРАК

Tuyg'u

*Минг-минглаб ёшларимизнинг лабларида кулгу, юзларида табассум, кўзларида қувонч ёшлари... Чунки, қилган меҳнатининг шарофати, ота-она, ёру дўстларнинг дуолари ижобат бўлиб, талаба деган номга сазовор бўлишди.*

*Талаба бўлиш университет, институт, коллежнинг кенг аудиториясида маърузалар тинглаш, профессорлар билан юзма-юз бўлиш, қанчадан-қанча дўстлар ета олмаган орзуга етишиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди.*

*Талабалик — ёшлик, гўзаллик демакдир. Ёшлик — бу умр гултожидир. Ёшлик — бу орзу. Бу ишонч, бу жасоратга интилиш, бу муҳаббат, илм эгалламоқ, келажак режалар, бу қайтарилмас ва унутилмас лаҳзалар.*

*Азиз ёшлар, ёшлик даврини суриб, ота-онани, қарияларни ёддан чиқарманг. Халқимизда азалдан қарияларни қадрлаш, ёши улуғларнинг дуоларини олиш, насиҳат ва ўгитларига амал қилиш маънавий мерос бўлиб келган.*

*Уларнинг дуолари билан юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, оиламиз осойиштадир. Кимки кексаларимиз ҳурматини жойига қўйса, нуроний отахонларимизу мунис онахонларимизни ардоқласа, ўгитларига амал қилса комил инсон бўлиб, худди шундай ҳурматга сазовор бўлади. Дунёда ҳеч бир ота-она ўз фарзандининг ёмон инсон бўлишини хоҳламайди. Зурриёдининг оқил бўлиб етишиши учун йўл-йўриқ кўрсатиб, панд-насиҳат қилади. Шундай экан ота-оналар, division болар ўгитларига амал қилмоқ ҳам қарз, ҳам фарздир. Зеро, Амир Темур фарзандларига, Бобур Мирзо ўз ўғилларига қилган насиҳатлари ҳеч қачон панд берма-ган.*

*Бир ўйлаб кўринг, сиз дунёга келганда хурсанд бўлган, тунларни алла айтиб ўтказган, бетоб бўлганингизда ҳаловатини йўқотган, шўхлик ва инжиқликларингизни кўтарган, бебошликларингизни кечирган ота-онангиз талаба бўлганингизда сиздан-да хурсанд бўлган чамамда. Шунинг учун ҳам қайда бўлманг уларни соғинасиз, меҳрини қўмсайсиз. Энди сиз мустақилсиз. Шунда ҳам ота-онангизни унутманг. Сиз учун умрини бағишлайдиган инсонларга сиз ҳам қўлингиздан келганча хизмат қилинг.*

*Талаба бўлиб, уйингизга борсангиз меҳмондек кутиб оладиган ота-онангиз ака-укангизга бермаганини сизга беришади. Кетар чоғингиз олдингизга бир дунё нарса қўяди. Отангиз не умидлар билан "тишининг кавагида" сақлаб юрган 4-5 сўм пулини ҳам илинади. Онангиз отанг кўрмасин деб чўнтагингизга пул солади. Ҳеч бўлмаганда ҳамроҳ бўлсин деб иккита нон бериб юборади. Бу не синоатки, ота-она ўзлари емай-ичмай фарзандларини ўйлайди. Бу ҳам ўзбекчилик-да. Келажакда сиз ҳам худди шундай қилишингиз лозим бўлади.*

*Яқинларингиз не умидлар билан оқ йўл тилаб қолган эканлар, уларнинг ишончини оқлаш керак. Олдингизга қўйган мақсад ҳеч қачон ёдингиздан чиқмасин.*

*"Интилганга толе ёр" дейди доно халқимиз. Вақтдан унумли фойдаланиб, мазмунли ўтказсангиз бу сизнинг ютуғингиз бўлади. Аввало вақтингизни илм эгалламоққа сарф қилинг. Бу борада китоб муҳим омил бўлади. Зериксангиз суҳбатдош, қийналсангиз маслаҳатчи, сафарда йўлдошдир.*

*Инсон ота-онани севса, ака-ука, опа-сингилни севади, маҳаллани севади. Маҳаллани севса, у, албатта Ватанни севади. Зеро, Ватан остонадан бошланади.*

**Акром ЎТАЕВ,**
**Тошкент шаҳар,**
**Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси ходими**

## КЕЛАЖАК АВЛОД БИЗЛАР

**Бизнинг гўзал чаманда,**
**Ўзбекистон томонда**
**Нурли куёш чарақлар,**
**Ундан ўлкам ярақлар.**

**Келажак авлод бизлар**
**Нурли замин соҳиби,**
**Элнинг таянчи бизлар**
**Ҳамда ишончли тоғи.**

**Халқи учун фидокор**
**Ҳар соҳада омилкор,**
**Юртимизга мададкор**
**Доно Юртбошимиз бор.**

**Шу ишончни оқлашга**
**Бел боғлайлик, эй ёшлар.**
**Оламга танилишга**
**Шайланайлик, юртдошлар.**

## ИСТИҚЛОЛ МАДҲИ

Ko'ngil bitiklari

**Иқбол қуши қўниб, азиз бошингга,**
**Етдинг мана улуғ ўн бир ёшингга.**
**Жон бўлайин енгилмас бу жонингга**
**Озод юртим, истиқлолинг муборак!**

**Қалбимда акс этар кўркам жамолинг,**
**Олтин куз, сахий ёз, сўлим баҳоринг,**
**Яшнайверсин чаманзор, боғ-бўстонинг,**
**Гулистоним, истиқлолинг муборак!**

**Бу кунга етмоқлик бўлмади осон,**
**Жонин фидо қилди неча мард инсон,**
**Сенсан олтин қасрим, гуллаган макон,**
**Ҳур кошонам, истиқлолинг муборак!**

**Қари-ёш — ҳаммамиз сенга парвона,**
**Ёв келса, ўғлонлар турар мардона,**
**Тиклагин сен одил, кўркам замона,**
**Саждагоҳим, истиқлолинг муборак!**

**Осмонингда офтобинг сира сўнмасин,**
**Эзгулик ҳамиша сенга ёр бўлсин,**
**Юз ёшда ҳам бахту иқболинг кулсин,**
**Ўзбекистон, истиқлолинг муборак!**



**Дилдора ТЎХТАШЕВА,**
**Шеробод туманидаги 31-мактабнинг 9-синф ўқувчиси**

## АЙЛАНМА СКАНВОРД




**Ф.ОРИПОВ тузди.**

## ҚУТЛОВ!

**Ҳурматли Муқаддасхон ОРТИКБОЕВА!**
**Сизни ҳаётингиздаги энг қувончли кун — таваллуд топган кунингиз билан чин қалбимиздан табриклаймиз. Сизга инсон учун зарур бўлган сиҳат-саломатлик тилаймиз. Биз Сизни фидойи инсон, изланувчан, жонкуяр мураббий сифатида қадрлаймиз. Ижодий ишларингизга ривож, оилангизга тинчлик, хотиржамлик тилаймиз.**

***Республика ўқувчилар техник ижодиёт Маркази жамоаси***

Ma'rifat

*ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:*

*Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.*

Бош муҳаррир:
Ҳалим САИДОВ

*Таҳрир ҳайъати:* Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот Қўмитасида № 20 рақам билан 12 июнь 1998 йил рўйхатга олинган.

ИНДЕКС: 149, 150. Г-729.
Тиражи 23789 Г. 1 2 3 4 5 6
Ҳажми 4 босма табоқ.
Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-3

Навбатчи муҳаррир: Аҳмад ОТАБОЕВ,
Навбатчи: Ғофур ЖАБИЕВ.

*«Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.*

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-56-42, хатлар, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим янгиликлари бўлими —136-54-23, умумий ўрта таълим янгиликлари бўлими, касбга йўналтириш ва ўрта махсус таълим янгиликлари бўлими — 136-54-03, олий таълим янгиликлари бўлими, реклама ва тарғибот бўлими — 136-56-10.

Газета материаллари «Ma'rifat Madadkor» нашриётида терилди. Pentium компьютерида Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.

*«Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси босмахонаси.*
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти—20.00.
Топширилди — 20.00